ZBEKISTON
PUBLIKASI
KITOB PALATASI
INV. №

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1998 йил. 13 октябр

33 (163)-сон

ҲАМЖИҲАТЛИК, ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР

Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельциннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунлари юзасидан

ҚЎШМА КОММЮНИКЕ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Унда, жумладан қуйидагилар баён этилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таклифига биноан 1998 йилнинг 11-12 октябрида Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельцин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

И. А. Каримов ва Б. Н. Ельцин ўртасида бўлиб ўтган музокаралар давомида Россия-Ўзбекистон муносабатларининг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари, шунингдек долзарб халқаро ва минтақавий масалалар кўриб чиқилди. Музокаралар икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларига анъанавий равишда хос бўлган дўстлик, ҳамжиҳатлик ва конструктивлик руҳида ўтди.

Давлат бошлиқлари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги серқирра алоқалар 1992 йил 30 майдаги Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартномага ҳамда 1994 йил 2 мартдаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Декларацияга мувофиқ тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва миллий суверенитетни ҳурмат қилиш принципларига асосланишини тасдиқладилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон-Россия муносабатларига стратегик шерикликнинг мустаҳкамланиши, ўсиб бораётган динамиклик хос эканлиги қониқиш билан қайд этилди. Ўзбекистон билан Россиянинг бундан буён ҳам янада қалин ва жадал ўзаро алоқадорликда олға боришларига қатъий ишонч билдирилди.

Устувор йўналишларда савдони, ишлаб чиқариш кооперациясини, инвестицион ва илмий-техникавий ҳамкорликни, минтақалар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги бевосита алоқаларни ўзаро фойдали ривожлантиришнинг янги узоқ муддатли истиқболларини очадиган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида Шартноманинг имзоланиши ҳамда тегишли фаолият Дастурининг тасдиқланиши бу борада муҳим амалий қадам бўлди.

Президентлар иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятини кучайтириш истагини изҳор қилдилар.

Россия томони Ўзбекистонда консуллик муассасалари очилишидан манфаатдор эканлигини билдириб, Ўзбекистон томонининг муқобил хоҳиш-истакларини ҳисобга олишга тайёрлигини тасдиқлади.

Томонлар бошқа мамлакат ҳудудида доимий равишда яшаб келаётган бир мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида, кўчириш жараёнини тартибга солиш ва кўчувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда ишчи кучи миграцияси тўғрисида ҳужжатларни имзолаш имкониятини қўшимча равишда кўриб чиқишга келишдилар.

Ташриф доирасида икки томонлама муносабатларнинг шартномавий негизини тўлдириб, такомиллаштирадиган бир нечта ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар имзоланди. Ташқи сиёсий муаммоларни муҳокама қилишда иккала давлат бошлиқлари минтақа ҳамда дунё миқёсида халқаро тинчликни, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш, ҳаракатларни янада кўпроқ мувофиқлаштириш истагини билдирдилар.

Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг ҳар томонлама ҳамкорлиги тўғрисидаги Декларация имзоланди. И. А. Каримов ва Б. Н. Ельцин ушбу ҳужжат учала давлат ўртасида стратегик ҳамкорлик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлади, дея якдил фикр билдирдилар.

Б. Н. Ельцин Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига илиқ қабул учун ташаккур изҳор қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовни Россияга ташриф буюришга таклиф қилди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Ташриф муддати қўшимча равишда келишиб олинади.

«МОВИЙ ҚАЛПОҚЛАР»: БУРЧДОР ОДАМЛАР

БУ ЙИЛ БМТНИНГ ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАР ЎТКАЗА БОШЛАГАНИГА ЯРИМ АСР ТЎЛДИ.

Шу муносабат билан БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йоркда ўтган махсус анжуманида Даг Хаммарскйолд номидаги медалларни топшириш маросими бўлди. Бу медални ўтган йили БМТ Хавфсизлик Кенгаши ташкил этган эди. Медалларга БМТ тарихидаги иккинчи Бош котиб Даг Хаммарскйолд ва БМТ ходимлари Рене де Лабаррйе ҳамда Фолке Бернадот сазовор бўлдилар. Улар БМТ тинчликпарварлик ҳаракатининг бошида турган эдилар. Уларнинг ҳар учалалари ҳам хизмат вазифаларини ўтаб турган чоғида ҳалок бўлган эдилар. Мукофотлар уларнинг оила аъзоларига топширилди.

50 йил ичида БМТ тинчлик ўрнатиш ҳаракатларида 118 мамлакатдан 700 минг киши қатнашди. Бу буюк олижаноб ишда 80 мамлакатнинг бир ярим мингдан ортиқ фуқароси ҳалок бўлди.

БМТ дунёда тинчлик имкониятини яратиш учун қўлидан келган барча чораларни кўрмоқда. БМТ 1988 йилда Нобел мукофотини олгани бежиз эмас. Комбожа, Шарқий Словония, Салвадор, Гватемала, Мозамбик, Македония сингари ўлкаларда қонли можароларнинг олдини олишга муваффақ бўлинди.

Ҳозир БМТ Болқон, Кавказ, Яқин Шарқ, Гаити, Тожикистон каби минтақаларда тинчликни сақлаш ҳаракатларини фаол олиб бормоқда. Уларда БМТнинг 14 ярим минг ҳарбий аскари, кузатувчилари, 2 минг халқаро ходимлар қатнашмоқдалар.

Халқлар, мамлакатлар БМТнинг тинчлик сиёсатидан мислсиз манфаат кўрмоқдалар.

Қадрли ўқувчи!
«Миллий тикланиш» газетасига 1999 йил учун обуна қилиш бошланди. «МТ»га барча алоқа бўлимларида ёзилиш мумкин.
Келинг, бирга тикланайлик!

— Бувижон! «Миллий тикланиш»га уйга обуна бўлайлик. Қандай яхши-я!!

Мухлис дейдики...

МАВЗУЛАР ЮРАК ВА АҚЛ МУЛКИДАН ЎТГАНДА...

Назаримда «вақтли матбуот» деган тушунча «Миллий тикланиш» газетаси таърифида анчайин тордай. Унда чоп этилаётган катта-кичик мақолаларда воқеа-ҳодиса ҳамда мавзулар юракдан ўтказиб, тафаккур тарозусида таҳлил қилинади ва шунинг учун юракка тез етиб боради, фикр беради, сени ўз ҳолатига торта олади. Илмий кенгликларга беозорлик билан ошно қилади, енгиллик билан тушунтиради.

«Миллий тикланиш» ҳар бир сонида ўз илмий фалсафий, тарихий йўналишига содиқ, ҳар бир материал «Мен шу «МТ» газетасининг материалиман» деб туради. Очиғи, катта бир ижодий гуруҳ ҳар сўзнинг ичу тошини минг сайқаллаб ишлашса керак деб ўйлайман, акс ҳолда фикрлар бунча ярақлаб газетхон шуурини ёрита олмасди. Илм далилга асосланади дейдилар, шу нуқтаи назардан унинг сўзи асосли ва ифодаси билан қизиқарлидир, газета тарихни, бугунни, келажакни ўйлаётган, уларни бир уйғунликда кўраётган донишмандларга ўхшайди, шу билан бирга бу донишманд ҳазил-мутойибани ҳам билади, кўп нарсага қизиқади-қизиқтиради. Газетанинг йўли бошқачароқ — халққа яқинлаштиришдан кўра халқни ўзига яқинлаштиришга, том маънода «тиклашга» интилаётгандай, барча ёшдагилар минг бир қиррали сўз — мулоҳазалардан ўзига мос жиҳатларни албатта топадилар ёки янги жиҳатларни ўзларига қабул қиладилар.

«Миллий тикланиш» ҳамманинг — миллатнинг кўнглига қарайди, қалбларни аяб, чанг-ғуборлардан оҳиста тозалаб ИНСОНИЯТ сафига қўшишга ваъдаси бор унинг. Фикримча, ушбу газетани мунтазам ўқиб бориш кишини ҳам илм, ҳам ҳаёт олими қилади, яна таъбир жоиз бўлса, «Миллий тикланиш»ни мен иккиланмасдан олимликнинг сиртқи ўқиши деган бўлардим. Шакл ва мазмун мутаносиблиги, мухлислар меҳри газетани ҳеч қачон тарк этмаслигини истайман.

Ўзим ҳам шу газетага обуна бўламан, ўқийман, бошқаларни ҳам шунга даъват этаман.

Саломат МАТКАРИМОВА,
ўқитувчи

ДЕРАЗАЛАРНИ ОЧАЙЛИК-ЧИ, НИМА БЎЛАРКИН?

ДАВЛАТ КОТИБИ МАДЕЛИН ОЛБРАЙТ ХОНИМНИНГ ҚИЗИҚАРЛИ КУЗАТИШЛАРИ

2 октябрда АҚШ давлат котиби Маделин Олбрайт хоним Чикаго шаҳрида Америка — Россия амалий ҳамкорлиги кенгашида катта нутқ сўзлади. Хоним жуда кўп йиллардан бери Россия устида илмий текшириш ва тадқиқотлар олиб боради. Унинг Россиядаги бугунги аҳвол ва унинг тарихий илдизлари тўғрисидаги кузатишлари ҳар жиҳатдан эътиборга сазовордир. Қуйида Олбрайт хонимнинг кузатишларидан айрим парчаларни келтирамиз. Улар кўп фикр-мулоҳазалар уйғотади.

МАДЕЛИН ОЛБРАЙТ:

● Бугунги Россиядаги аҳвол ҳақида ўйларканман, бу мамлакатга илк маротаба борган чоғимда қулоғимга чалинган бир анекдот эсимга тушади.

Сибир маконларидан поезд ўтиб бормоқда. Бирдан темир йўл тугайди. Ленин пайтида раҳбарлар шундай баёнот берадилар: «Бизнинг ишчиларимиз қудратли ва матонатли одамлар — улар темир йўл қуришни олға давом эттирадилар». Сталин даврида эса бундай дейишади: «Йўқ, уларнинг ҳаммаси дангаса бўлиб кетган, уларни отиб ташлайман деб тепасида турмасанг, темир йўл қуришни давом эттирмайдилар». Хрушчев пайтида дейдилар: «Россия орқага эмас, олдинга силжимоқда, шунинг учун биз орқамизда қолган релсларни олиб олдимизга ўрнатсак, поездимиз яна олға кетаверади». Брежнев пайтида айтадилар: «Бу жуда ҳам оғир иш, яхшиси, келинглар, поезднинг деразаларига парда тортиб ёпамизда, ўзимизни худди олға кетаётгандек тасаввур қилаверамиз». Горбачев даврида эса шундай дейдилар: «Деразаларни очайлик, кўрамиз қани нима бўларкин».

Президент Елцин ва унинг халқи бу поездни олға босишга мажбур қилдилар. Поезд жуда шитоб билан боряпти, унинг машинистлари тез-тез ўзгариб турибди. Ҳозирги дамда шу поезд йўл иккига айриладиган жойга келди. Битта из жуда жозибали кўринади, у текис қиялаб кетган, аммо у тубсиз жаргагина олиб боради. Бошқа из эса машаққатли, у тикка юксакка кўтарилиб боради, бироқ Россия ана шу йўлдан борса, кўзлаган мақсадига эришади. Русларнинг ўзлари тан олишларича, бугун Россия ноаён, мубҳам бир даврни бошидан кечирмоқда. Жуда кўп Россия фуқароларининг хаёлида яхши келажакнинг барча умидлари барбод бўлди.

● Ҳар сафар Россия янги даврга қадам қўйди, янги тузумга тўлалигича ўтди, дейдиган одамлар ҳам топилади. Ва ҳар сафар жиддий таҳлиллар ўрнига болохонадор ва дабдабали гапларни ўртага ташлаб турадиган одамлар ҳам топилади. Шу одамлар: Россияни ким ютқазиб қўйди? — деб савол ташлайдилар. Ва ҳар гал савол ҳам нотўғри қўйилади, жавоб ҳам.

● Россиянинг диктатура ҳамда империялардан замонавий демократик давлатга айланиши ҳали охирига етган эмас. Бу жуда фожиали жараён.

● Россия яқин келажакда ўзининг барча муаммоларини ҳал қилади деб айтиш қийин. Соғлом ҳаёт, демократия ва бозор иқтисодига ўтиш жуда узоқ муддатни талаб қилади. Жуда катта, ҳаммаёғини жароҳат босган мамлакат тоталитар ваҳшатдан эндигина қутулиб келмоқда. Яқин йиллар ичи бу ҳолат давом этади. Шунинг учун ҳам, Россияга нисбатан бизнинг сиёсатимиз сабр-тоқат, реализм ва узоқ келажакни кўра билишга асосланмоғи лозим.

● Россияда жамиятни қайтадан қуриш, айтайлик, Чехия, Полша, ёки Болтиқ ўлкаларига нисбатан олганда жуда қийин ва мушкул эди. Чунки руслар илгариги сиёсий ва иқтисодий эркинликларни билмас, эсламас эдилар. Улар аллақандай янги бир нарсани қураётгандек бўлардилару айни пайтда тарихий тажрибалардан фойдаланмас эдилар. Шунинг учун ҳам, совет империясининг вайрон бўлиши ҳар қалай тинчлик билан ўтди. Ўз даврида ўша эски тартиб-тузумни қурган кишиларнинг жуда кўплари эндиликда янги тузумни барпо қилишга жонжаҳдлари билан уринмоқдалар. Лекин бу янги тузумни худди эскисининг ўзидай қилиб, унга мос ва мувофиқ қилиб қурмоқдалар.

● Яна шу нарса ҳам кишини ташвишга соладики, жуда кўп Россия фуқаролари ислоҳотларни ўғирлик билан бир нарса деб тушунадилар. Кўп одамлар сиёсий ва иқтисодий эркинликларни ҳеч қачон амалга ошмайдиган навбатдаги хомхаёл деб тушуниш ва қабул қилиш хавфи ҳам йўқ эмас.

● Россияда рўй бераётган воқеалар мени жуда хавотирга солади. Лекин шу билан бирга мен Россиядаги элчимиз Жим Коллинзнинг иш ўрнида деворга ёзиб қўйилган ушбу ҳикматли сўзга ҳам қўшилмай иложим йўқ: «Ташвиш чекиш — ҳали сиёсат эмас».

● Бизнинг ҳозир Россияга кўрсатаётган ёрдамимизнинг 75 фойизи ядро уруши хавфини камайтириш, оммавий қирғин воситаларининг жинояткор қўлларга тушиб қолишининг олдини олишга сарфланмоқда. Ўтган ҳафта АҚШ ва Россия ҳукуматлари Россиядаги махфий ядро шаҳарларида ишлаётган олимлар ва ишчиларга ёрдам дастури тўғрисида маълум қилдилар. Бу олимлар ва хизматчилар эндиликда ўзларига тижорат муассасаларидан иш топишлари мумкин. Шундай қилганда, улар ўз тажрибалари ва малакаларини зиёнкор кучларга сотиш васвасасидан қутуладилар.

● Россия бутун дунёдаги инвесторлар ва тижоратчилар билан яқин ҳамкорлик қилишга ўзини чоғламоғи маъқулдир. Дунё билан басма-бас, унга зид сиёсат олиб бориш ҳатто ядро замонасида ҳам Россияга ҳеч фойда келтиргани йўқ. Албатта, шундай бўлгач, бундай сиёсат ахборот замонасида ҳам Россия манфаатларига хизмат қилмайди.

● Муросасизлик, зид туриб, бошқа томонларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслик Россияга эндиликда икки баробар ортиқ бахтсизлик келтирган бўлур эди.

● Иқтисод қонуниятлари баъзан ғоятда сирли тарзда иш кўради, лекин худди физиканинг қонунлари каби улар барча мамлакатларда бир хил ҳаракат қилади.

ЮСИС материали асосида
«МТ»
мухбири тайёрлади

Суҳбат — шарҳ

Нусратулло ЖУМАХЎЖА:

МИЛЛИЙ МЕРОСГА ХАЙРИХОҲЛИК

— Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли — Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарори эълон қилинди. Аввало, шу қарорнинг моҳияти ҳақида фикрлашсак.

— Ушбу қарор миллий маънавият Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида эканлигидан далолат беради. Бу ва бунга ўхшаш қарорлар Президент Ислом Каримовнинг «маънавиятнинг бош ҳомийси — давлатнинг ўзи» деган фикрлари изчил исботланиб бораётганлигини ҳам кўрсатади. Биз дунёда мисли йўқ бахтиёр халқмизки, агар ҳар куни бир буюк аждодимизнинг таваллуд санасини байрам қилмоқчи бўлсак, йилнинг 365 куни етмайди. Бу ҳолат Огаҳийнинг «Илоҳи, ҳар кунинг байрам бўлсин», деган тилаги билан ҳамоҳангдир.

Қарорда аниқ тадбирлар кўзда тутилган. Маълумки, Огаҳий XIX аср Хева муҳитининг машҳур шоири, кўплаб тарихий-насрий асарлар муаллифи, моҳир таржимон, Хоразм хонлигининг бош мироби бўлган. Қарор бандларида буюк аждодимизнинг ана шу фаолият қирралари бусбутун инобатга олинган.

Аниқ йўналиш бериши билан ҳам қарор эътиборга сазовор. Унда бирор масалада мавҳумлик йўқ. Ҳатто, Огаҳий юбилейи муносабати билан ўтказилажак илмий анжуманнинг мавзуси ҳам аниқ белгиланган: «Ўзбекистон Фанлар Академияси Хоразм Маъмун академияси билан биргаликда 1999 йил декабр ойида «Шарқ халқларининг маънавий-маърифий тараққиётида Огаҳий адабий-илмий меросининг аҳамияти» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказсин». Бу Республикамиз илмий-маърифий жамоатчилиги зиммасига шарафли, айни пайтда, жуда масъулиятли вазифа юклайди.

— Ҳозир Огаҳий меросини оммалаштириш қандай аҳволда?

Ҳукумат қарорида ушбу муаммога ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Огаҳий яратиб қолдирган маънавий хазинани халқимизга тўла-тўкис етказиш энг зарур вазифалардандир. Ҳозиргача Огаҳийнинг олти жилддан иборат танланган асарлари нашр этилган, холос. Ушбу олти жилдда Огаҳий меросини қисман акс эттиришга эришилган, холос. Кўп жилдли бу танланган асарлар мажмуаси марҳум адабиётшунос олимлар — Ғулом Каримов ва Субутой Долимовларнинг фидойилиги самараси сифатида юзага келган. Орадан 18 йил — бир йигит умрича вақт ўтди. Ўзбек халқининг миқдори йигирма беш миллионни қоралаб қолди. Янги авлод вояга етди, у янги нашрга эҳтиёжманд. Бизнинг назаримизда, Огаҳий, Навоий, Бобур сингари мумтоз адибларимизнинг асарлари ҳар бир хонадонда мавжуд бўлсагина, ўзбек халқининг маънавий меросга нисбатан эҳтиёжи қондирилади.

Адабиётшуносликда Огаҳий мероси бойлиги жиҳатидан Навоийдан кейин иккинчи ўринга қўйилади. Унинг лирик куллиёти «Таъвиз ул-ошиқин» (Ошиқлар тумори)да Шарқ мумтоз адабиётининг ўн тўққиз туридаги асарлар мужассам. Улар 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 2 мураббаъ, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 қитъа, 80 рубоий, 10 туюқ, 1 муламмаъ, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри таъвил, 1 муножот, 1 савол-жавоби ошиқ ва маъшуқ, 20 таърих, 19 қасидадан иборат. «Таъвиз ул-ошиқин»га 18000 мисра назм жавоҳирлари жамланган.

Огаҳий йирик зуллисонайн шоир ҳамдир. «Таъвиз ул-ошиқин» девонида 1300 мисрадан ортиқ асар «Ашъори форсий» номи билан алоҳида ўрин тутган. Огаҳий тарихнавислигига мансуб «Фирдавс ул-иқбол» (бу асарни Мунис бошлаган, Огаҳий давом эттирган), «Риёз уд-давла», «Зубдат ут-таворих», «Жоме ул-вақеоти султоний», «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол» асарлари XIX аср Хоразм воқелигини ҳаққоний акс эттирувчи нодир тарихий ҳужжатлардандир. Огаҳий форсийдан ўзбек тилига ўгирган — Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Муҳаммад Маҳдий Астрободийнинг «Тарихи Жаҳонкушойи Нодирий», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Махдум бинни Шайх Али Ғиждувонийнинг «Мифтоҳ ут-толибин», Муҳаммад Муқим Ҳиротийнинг «Табақоти Акбаршоҳий», Муҳаммад Юсуф Муншининг «Тазкирайи Муқимхоний», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Равзат ус-сафойи носирий», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Кайковуснинг «Қобуснома», Муҳаммад Ворисниҳг «Зубдат ул-ҳикоёт», «Шарҳи далойил ал-ҳайрат», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» — тарихий-бадиий асарлари ўзбек адабиётининг улкан бойлиги сифатида халқ тасарруфидадир.

Қарорда мана шундай кўламли меросни халқимизга тўла-тўкис етказиб бериш кўзда тутилган. Бунинг учун мутахассисларнинг шижоат билан ишлаши талаб қилинади. Мақсад фақат Огаҳий меросини оммага тўлиқ етказишгина эмас, балки уни юқори сифат ва савияда, матншунослик нуқтаи назаридан мумкин қадар нуқсонларсиз нашр этиш ҳам муҳимдир.

— Огаҳий сиймосининг илмий ўрганилиши борасида қандай муаммолар бор?

— Бу улуғ сиймо фақат ижодий меросининг салмоғи жиҳатидангина эмас, адабий муҳитда тутган устозлик мавқеи, давлат арбоблари ва маданият намояндаларига ўтказган адабий таъсири тарафларидан ҳам Алишер Навоийга монанддир. Огаҳийнинг Феруз фаолияти ҳамда ижодиётига ижтимоий-адабий таъсири муаммолари муайян даражада ёритилди. Аммо, бу етарли эмас. Огаҳийнинг ижтимоий-адабий муҳитда тутган ўрни янада кенгроқ ёритишга асос манбалар бор.

— Истиқлол даврида Огаҳий ижодиётининг мактабда ва олий ўқув юртларида ўрганилиши соҳасида қандай янгиликлар юз берди?

— Шўро даврида мактабларимизда Огаҳий адабий сиймо сифатида алоҳида ўрганилмас эди. Истиқлол даврида янги адабиёт дастур ва дарсликларини яратиш чоғида бунга жиддий эътибор билан ёндашилди. Огаҳий сиймоси ва меросини муттасил курс сифатида ўрганиш режалаштирилди ҳамда бунга 12 соат дарс соати ажратилди. Шу асосда 10-синф «Ўзбек адабиёти» мажмуасига Огаҳийнинг энг яхши асарларидан танлаб, изоҳлар билан киритилди. Ушбу мажмуа 1993 йилдан буён умумтаълим мактаблари хизматида. Огаҳий мероси беш йилдан бери янги дастур асосида ўқитилмоқда, бироқ дарслик ҳанузгача сусткашлик оқибатида мактабларга етказиб берилмаяпти.

Олий таълим борасида ҳам аҳвол шунга яқин. Ўзбек мумтоз адабиёти, шу жумладан, Огаҳий ижодиёти янгича талқин этилган қўлланма-мажмуа яратилган, ўнлаб расмий чиғириқлардан ўтиб, бир даста ҳужжат билан «Ўқитувчи» нашриётига борган. Афсуски, тайёр қўлланма—мажмуа Халқ таълими марказига қайтарилган. Президент ва давлатимизнинг янгича таълим сиёсатига зид бу аҳвол Огаҳий юбилейи йилида ўнгланар, деган умиддаман. Умуман, Огаҳий юбилейи ҳақидаги қарор амалга ошиши баробарида миллий меросга хайрихоҳ муносабат яна бир поғона юксалади.

КЎКНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ КАБИ

Учинчи мақола

Имом Бухорий буюк мужтаҳид, муҳаддис, муфассир, муаррих ва адиб бўлгани учун ўзига хос қарашларга эга эди. Уни дақиқ суратда тўрт суннийлик мазҳабларидан биронтасига ёки бошқа бирон мазҳабга мансуб деб бўлмайди. Ҳақиқатда у, ўзига хос услубга эга бўлиб, зарурат туғилган чоғда ўз раъйига асосланиб ҳаракат қиларди. Бу унинг даҳосининг бир белгиси эди.

Айрим шофиъий мазҳаби олимлари, масалан, Субкий уни шофиъий мазҳаби олимлари қаторида ва қози ибн Аби-Яъло уни ҳанбалий олимлари қаторида ҳисоблаган бўлсалар, Шайх Жамолуддин қосимий Дамашқий уни мустақил маслак эгаси деб эътироф этиш керак дейди. Мунийр Дамашқий унинг китобига ёзган муқаддимасида айтишича, Имом Бухорий одатан ўз фикрларини (раъйларини) аҳли суннат мазҳабларининг биронта вакили ёки имомлари сўзининг нақли шаклида баён айлар экан.

Имом Бухорий калом илми вакиллари томонидан «фирқаи золла» (тўғри йўлдан адашган гуруҳ) деб аталган мазҳабларга мансуб муҳаддислардан ҳам ҳадисларни ўрганган. Масалан «Ҳавориж» мужтаҳидларидан бўлмиш Имрон ибн Ҳаттон ва бошқаларнинг ривоят қилган ҳадислари Бухорий томонидан «ас-саҳиҳ»да тахрийж этилган. Нававий ва ибн Ҳажар Асқалоний фикрларича, Имом Бухорийнинг мақсади фақатгина ҳадисларни тўплаш бўлмаган, балки айни ҳолда улардан ўз хулоса чиқаришларини баён этиш ҳам бўлган. Бухорий ўз китобида фақат бир муҳаддис эмас, балки моҳир фақиҳ-ҳуқуқшунос олим сифатида ҳам кўзга ташланади.

АҚИДАВИЙ МОЖАРО

Тўққизинчи аср Имом Бухорий яшаган даврнинг биринчи ярмида «муътазила» мазҳаби кучая бориб, улар барча ислом мамлакатларида ўз ғояларини тарқатиш билан машғул эдилар. Уларнинг айрим мутаассиб вакиллари «Халқи Қуръон» каби муаммоларни ўртага ташлаб, одамларнинг азият ва озорига сабаб бўлардилар. Аббосийларнинг биринчи халифалари уларга қараб ён босишлари халқ ва аҳли суннат олимлари учун катта фожиаларга сабаб бўлди.



Муътазила тарафдорлари Худонинг сифатлари, унинг зотидан бошқа нарса эмас — яратувчи ўзидан ўзи, яъни зотан билувчи, эшитувчи, барҳаёт ва қудратли бўлиб, ушбу сифатлар унинг зотидан ортиқча ҳолда мавжуд эмас, деган ақидани илгари сурардилар. Уларча Худонинг сифатларини қадим ва азалий деб эътиқод қилиш «ширк» келтириш бўлиб, «куфр» ҳисобланарди.

Аммо аҳли суннат ва жамоат, яъни суннийлар ақидасига биноан, «Қуръон» биринчи маънода Аллоҳнинг нафсий азалий каломидан иборат. Ушбу жиҳатдан у, яратувчининг зоти ила қойим, яъни унга таянган бўлиб, «лоҳува ва ло ғайруҳу» (на унинг ўзи ва на ундан бошқадур) деган ибора билан ифодаланади. Ушбу масала муътазила билан аҳли суннат орасида низога сабаб бўлиб, муътазила бундай сифатни инкор қиларди, аммо суннийларда ушбу маъно билан «Қуръон» азалий, қадим ва ғайри маҳлуқ, яъни яралмагандир.

Суннийларча, «Қуръон» иккинчи маънода ҳарфлардан таркиб топган сўзлар, тартибга солинган иборалар ва бу ҳарфлар ёзилган саҳифалардан иборат бўлиб, шариат тилида «китоб» ва «мусҳаф» деб аталади.

Аббосийлар даврида олимлар ва аҳолининг катта мусибатларга учрашига сабаб бўлган муаммо «Қуръон»нинг шу иккинчи маъноси билан боғлиқ низо ҳисобланади.

Аббосийлар халифалари Маъмун, Муътасим, Восиқ иккинчи маънода «Қуръон»ни махлуқ деб билмаган олимлар, жумладан, имом Аҳмад ибн Ҳанбални қаттиқ савалаб, Восиқ буюк олим Аҳмад ибн Наср ал-Хузоъийнинг бошини маҳз худо ризоси учун (?!) ўз қўли билан кесиб олиб, Бағдодга юбориб, халқ кўзи остида дорга осдириб қўйди.

234 ҳижрий йилгача давом этган ушбу фитна ал-Мутаваккил даврида чекланди.

Имом Бухорий мазкур фожиали замонда ўрта ёшларда эди. У Бухорога қайтаркан, Нишобурга келганда катта йиғинда қатнашган ва шу мажлисда унга бир киши: «Қуръон» билан лафзимиз махлуқмидир?» — деган саволни берган эди. Имом икки марта сукут қилиб, учинчи марта сўралгандан кейин, масаланинг нозик томонини била туриб, мажбуран: «Афъолуно маҳлуқатун ва алфозуно мин афъолино», яъни бизнинг феълларимиз махлуқ (яралгандур) ва алфозимиз (сўзларимиз) бизнинг афъолимиздан ҳисобланади, деб жавоб берган эди.

Имом Зухлий Бухорийнинг ушбу сўзини муътазила мазҳабига яқин, деб таъбир қилиб, ҳар ким бундан нари Муҳаммад ибн Исмоилга борса, биз у билан сўзлашмаймиз, деб эълон қилган эди. Бу сўзлар Имом Бухорийга қарши иғвогарликлар учун замин яратиб берди. Унинг Бухородан сургун қилинишининг асл сабабларидан бири ҳам мана шу бўлиши мумкин. Мухолифлар уни ҳеч ерда тинч қўймадилар. Яккалаб қўйишга уриндилар. Бу каби адоватлар Имом Бухорийни адолат ва инсоф йўлидан оздира олмади.

Ҳа, Имом Бухорий ўзига хос мазҳаб ва дунёқарашга эга эди. У на муътазилийлар йўлидан борди ва на мутакаллимларнинг муҳофазакорликларини қабул қилди. Ўрни келганда эркин фикрликдан тоймади, ўз ақидасини жасорат билан изҳор этишдан чекинмади.

БУХОРИЙНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

Манбаларда кўрсатилишича, Имом Бухорий шеър ёзмаган. Баъзи бир манбаларда унга нисбат берилган шеърлардан айримларининг таржимасини ҳурматли ўқувчиларга тақдим этмоқчимиз.

Сўзма-сўз таржимаси:

Одамлар билан бағри кенг бўлиб яшагин, инсонларга қараб хурадиган ит бўлма.

ёки бошқа бир назм парчаси:

Фароғат ҳолида бир рукуъ ибодат фазилатини ғанимат билгил, ажалинг бирданига тўлиб қолмаслигини ким билади.

Қанча соғ-саломат одамларни кўрганман, ҳеч қандай дардсиз бирданига ҳаёти тугаб қолган.

ИМОМ БУХОРИЙ ҲАҚИДА

Имом Муслим:

Гувоҳлик бериб айтаманки, дунёда санга тенг келадиган киши йўқдур.

Абдуллоҳ ибн Абдирраҳмон ад-Доримий:

У, бизнинг орамизда энг олимимиз, энг фақиҳимиз ва илм излашда энг талабчанимиздир.

Қутайба ибн Саид: Фақиҳлар, зоҳидлар ва обидлар билан ўтиришдим, учрашдим, лекин ўзимни таниганимдан буён Муҳаммад ибн Исмоил каби инсонни кўрмадим. У, ўз замонида, саҳобалар даврида ҳазрат Умарга ўхшайди.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Саид ибн Жаъфар:

Мисрда эшитдим, олимлар маърифат ва тақвода Муҳаммад ибн Исмоилга тенг келадиган киши йўқ деб сўзлашарди. Мен ҳам уларнинг сўзларига қўшиламан.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма:

Осмоннинг тагида ҳадис илми бўйича Муҳаммад ибн Исмоилдан олимроқ киши мавжуд эмас.

Абу Исо ат-Термизий:

Ҳадис илмида Муҳаммад ибн Исмоилдан олимроқни кўрмадим.

Рижо ибн Рижо-ал-Ҳофиз:

Муҳаммад ибн Исмоил ер юзида юрувчи Аллоҳнинг оятларидан бир ояти.

Фазл ибн Омир ал-Журжоний:

... «Саҳийҳ Бухорий» олтин сувидан бошқа нарса билан ёзилмайди. Кўкнинг юлдузлари каби порлаб туради.

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ

Фаол китоблар

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ:

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг, мамлакатимизда жуда катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Янгиланиш, ривожланиш тарихнинг бурилиш палласи бўлмиш ҳозирги давр ҳар бир фуқаро зиммасига жадал ҳаракат қилиш вазифасини юкламоқда. Ҳар бир кун ижтимоий ҳаётда янгилик келтирмоқда, ўйлашга, қиёслашга, таҳлил қилишга чорламоқда.

Босиб ўтилган йўлга назар ташласак, сиёсий, иқтисодий, маънавий турмушда, маданиятда ва ахлоқий иқлимда, инсон ва унинг муаммоларига муносабатнинг ўзида ижобий силжишлар рўй бераётганининг гувоҳи бўламиз. Халқнинг янги шароитдаги меҳнати мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини тезроқ ошириш имконини бермоқда. Буларнинг барчаси келажаги буюк бўлган мустаҳкам давлат сари ташланаётган яна бир муҳим қадамдир.

Адолатли ҳуқуқий демократик давлат сари дадил одимлаб борилаётган сўнгги йилларда давлат ва жамият ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Уларнинг хусусиятлари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори, сиёсий фанлари доктори, профессор Рустам Жумаевнинг яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босилиб чиққан «Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида» китоби худди ана шундай саволларга жавоб беради. Унда мамлакатимизда мустақиллик эълон қилингандан сўнг Президентимиз Ислом Каримовнинг жамиятни ривожлантиришнинг истиқбол режалари асосида давлат ва жамият ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар — қонунчилик асосларининг пайдо бўлиши, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий давлат тузилмаларининг шаклланиш жараёнлари халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар, кишилар онгида рўй бераётган ўзгаришлар чуқур таҳлил қилиниб, назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Муаллиф мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий тизими мавзуси устида тадқиқот олиб борган.

Китоб муаллифи томонидан давлат бошқаруви органлари ва сиёсий тизимдаги ислоҳотлар, бошқарувнинг хорижий тажрибалари таҳлил этилган. Таркиб топаётган ҳокимият тизилмалари ва фуқаролар жамиятининг ўзаро алоқаларини изоҳлаш чоғида, ҳокимият моҳиятини амалий ва концептуал маънода жамиятдаги барча куч ва воситаларнинг муайян умумий мақсадларининг бирлиги сифатида эътироф этилган. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон мустақиллигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлашда жойлардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг алоҳида ўрни аниқравшан кўрсатиб берилган. Ижтимоий-сиёсий тузумнинг таркибий қисми сифатида ҳокимият ўртасидаги тузилмалар, давлат ва жамият ўртасидаги боғловчи бўғин сифатида иш кўриб келаётган сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаолияти ва йўналишлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Рисоланинг илмий ва амалий қимматини оширадиган жойларидан яна бири шундаки, унда сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолиятига назарий жиҳатдан баҳо бериш билан чекланиб қолинмасдан, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида йўл қўйган хато ва камчиликлари очиқ-ойдин кўрсатиб берилган ҳамда келажакда улар фаолиятини мустаҳкамлаш, амалий аҳамиятини ошириш борасидаги йўл-йўриқлар, бир қатор муҳим таклифлар ўртага ташланган.

Шунингдек, рисолада жаҳон тараққиётида рўй бераётган кескин ўзгаришлар, этник ва миллий асосдаги зиддият ва можаролар чуқур илмий ёндашув ва холислик билан талқин қилинган. Сўнгра унда Президент И. Каримов кўрсатмалари билан республикамиздаги тажрибали ўқитувчилар ва етук олимларимизнинг саъйи-ҳаракатлари ёрдамида жаҳон андозаларига мос келадиган, миллий анъаналаримиз, аждодларимизнинг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги билимларни ўзида мужассам этган «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур»ни амалга ошириш борасида Республикамизнинг етук олимлари, тадбиркор мутахассислари олдига қўйилган вазифалар, таълимни жаҳон стандартлари даражасида қайта қуриш хусусидаги кўрсатмалар ҳам ёритилган бўлиб, улар таълим тизими истиқболининг илмий-назарий ва методологик асоси бўлиб хизмат қилажаги таъкидлаб ўтилган.

Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури амалга оширилаётган бир пайтда ўз иқтидорини, Ватанга муҳаббатини аниқ хатти-ҳаракатларда, самарали меҳнатида намоён қила олувчи раҳбар кадрларни танлаб олиш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш масаласи ҳам ниҳоятда долзарб эканлиги ҳақида алоҳида сўз юритилган.

Китобни ўқир экансиз, муаллиф томонидан мамлакатимизнинг ривожланиш йилларига тўғри, принципиал назар ташлаганлиги, иқтисодиётимизга, ижтимоий соҳага, маънавий турмушимизнинг аҳволига ҳаққоний баҳо берилганлиги, ютуқларимиз, хато ва камчиликларимиз холисона таҳлил этилганлигининг гувоҳи бўласиз.

Кишиларимизнинг илмий тафаккурига кириб борадиган, бугунги куннинг илғор дунёқараши билан йўғрилган мазкур китобда илгари сурилган назарий, амалий методологик фикрлар мустақилликнинг моҳияти, тарихий аҳамиятини яхши тушунтирди, тарғибот қилади.

Муаллифнинг изланишлари, илмий тадқиқотлари жамоатчиликка демократия ғояларини сингдиришда, раҳбарлар, олий ўқув юрти талабаларининг назарий ва амалий машғулотларида фойдаланишда зарурий қўлланма сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Муяссар УМИРОВА

КИМ ХУСУСИЙ ДАРС БЕРА ОЛАДИ?

Баъзида жамоатчилик орасида айрим ўқитувчилар таълим, таҳсил даргоҳларини ташлаб сердаромадроқ жойларга ишга жойлашаётганлари тўғрисида гап-сўзлар бўлиб туради. Шунда илм масканлари афзалми ё «замонавий тадбиркорлик» гўшалари маъқулроқмикин деган соф амалий савол ўртага тушади. Тадбиркорликнинг ваъдаси аниқ, лекин илмнинг ваъдаси узоқ-да дейишади. Ўқитувчининг даромадларини тадбиркорнинг даромадлари билан тенглаштиришнинг йўл-йўриқлари топилмасмикин? Балки бунинг учун ўқитувчи ҳам тадбиркор даражасига кўтарилиши керакдир? Тадбиркор ўқитувчи деганда, бу тушунча анча бақувват эшитилади-ку, тўғрими?

Қайси халқнинг ўқитувчиси, қайси буюк шахснинг устози йўқ? Жамият мураббийларсиз яшолмайди. Навоийнинг Навоий, Темурнинг Темур, Улуғбекнинг Улуғбек бўлмоғида устодларнинг ҳам ўз олий улушлари бор. Бухорою Самарқанд, Шаҳрисабзу Хеванинг кўҳна ёдгорликларини бунёд этган меъмору ҳунармандлар, устозсиз шундай иморатларни-мадрасаю мақбараларни ердан осмонга кўтара олармидилар. Шу сабабдан ҳам, келажак учун, нурли истиқбол учун ўқитувчилар ва мураббийларга эътиборни тубдан ўзгартиришга тўғри келади. Олий ўқув юртларини тугатиб мактаб остонасига қадам қўйган баъзи дипломли ёшлар орадан кўп ўтмай бу даргоҳни тарк этмоқда. Нега? Келинг, андак мулоҳаза қилиб кўрайлик. Аввало, мактабни тарк этган дипломли кадр вақтини олий ўқув юртининг ўзидаёқ йўқотган. Нима учун? — Ҳақли савол туғилади.

Ўз соҳасида кучли билим ва савияга эга бўлган, бунинг устига шу соҳага эътиқод қўйган киши ўз касбидан асло нолимайди. Балки касбига ривож беришга интилади. Ҳозир Ўзбекистонда қанчадан-қанча гимназия, коллежлар, лицейлар ишлаб турибди. Уларга кириб ўқишнинг ўзи анча мураккаб. Олий ўқув юртларига кириш қанча қийин кечса, бу кичик маърифат даргоҳлари ҳам ана шундай. Ҳолбуки, уларга кириб таҳсил олишни истовчилар сон-саноқсиз. Яқинда Ҳикоят исмли бир аёл билан суҳбатлашиб қолдим. У фарзандини гимназияга бермоқчи бўлиб ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ қизи имтиҳондан ўтолмади. Шундан сўнг, у ўқитувчи ёллаб ўз фарзандининг таҳсилига эътиборни кучайтиришга мажбур бўлди. Айтмоқчи бўлган гапимизнинг мағзи шунда. Кўриб турибмизки, кучли билимга эга ўқитувчи яна ютаяпти. Қолаверса, чет тилларини ўрганишга бўлган иштиёқ ҳам одамлар орасида кун сайин ошиб бормоқда. Болалар боғчаларидан тортиб, институт, университетларгача инглиз, француз, немис, рус тилларини ўрганишга ҳаракат қилаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Тилни мукаммал билган устоз, мураббийларгина ўз иқтисодий аҳволини қўшимча даромад билан яхшилайди. Ўқитувчиликда тадбиркорлик қисман шу бўлса керак. XXI аср ахборот асри бўлади. Ҳозирданоқ замонавий электроника, компютерларга бўлган талаблар кун сайин кучайиб бормоқда. Билим даргоҳида ўқиш билан бир қаторда, дарсдан сўнг компютер сабоқларига қатнаётган ўқувчи ва талабалар янги асрни олдиндан илғаб, бу учун ўз махсус тайёргарликларини кўриб боришяпти. Бу борада тажрибали устозлар тағин олдинги сафда. Лицейларга кириб ўқиш талаби ҳам юқорида айтилгандек, юқори бўлса, юқоридир, аммо паст эмас.

Замон тараққиёти ҳодисаларини кўргандан сўнг ўқитувчиларда илмни сотайликми, хўш? — деган савол туғилади. Менимча, бу коммунистик фикрлаш тарзидан қолган нарса. Бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири—ишбилармон ва тадбиркорлар, кучли билим эгаларини саралаш, етиштириш, жамиятда уларни етакчи мавқега кўтариш. Бунда кўп нарса ўқитувчига боғлиқ. Мураббийнинг қайси доирада билими бўлса, ўша ўлчамдаги билимни ўқувчига бера олади. Фақатгина кун ўтказиш учун мактабга қатнаётган муаллимлар эса тезда бу маскандан кечади. Бу билан мактабни тарк этганлар билимсиз, деган мулоҳазани айтишдан йироқмиз. Энг асосийси, изланган, ўз касбининг фидоийси бўлган тадбиркор, билимдон, матонатли ўқитувчи ҳеч қачон хор бўлмайди.

Ҳаммамизга маълумки, олий ўқув юртларига кириш йилдан-йил мураккаб кечаяпти. Буни ўқув даргоҳларида қайд этилаётган натижалардан ҳам билса бўлади. Хусусий дарслар олиб мустаҳкам билимга эга бўлган болалар чигалликларни осон енгиб ўтишяпти. Ўтган йилларда «Ахборотнома»да эълон қилинган тест саволлари мактаб дарсликларидан ташқарига чиққани тўғрисида фикрлар ёритилди. Менимча, балки бунга ижобий муносабат билдириш зарурдир. Номаълум савол устида талабгор қанча кўп қийналса, ниятга етиш йўли шунчалик ёришади. Тотли ёнғоқнинг мазасини яхшироқ ҳис этади.

Ўқитувчининг хусусий дарс бериши энди чиқаётган янгилик эмас. У теран билимга эга бўлишнинг бир йўли, холос. Хусусий дарсни эса фақат кучли ўқитувчи, устозлардан оладилар. Айтмоқчиманки, изланувчан мураббий ҳеч қачон илм даргоҳидан кечмайди ҳам, қочмайди ҳам.

Амрулло КАРИМ,
ТошДУ халқаро журналистика бўлими
III курс толиби

Йўлдош СУЛАЙМОН

ДУНЁ СИНАБ КЎРАР МАРДЛАРНИ



МУҲАББАТ

Нимадан яралган бу ёруғ дунё,
Севги қўшиғидан туғилганми ё?
Муҳаббатдир асли дунёнинг оти,
Шундандир қайрилмас икки қаноти.
Шундай уйга келдим яшаб бағрида,
Ҳеч ғубор изламанг унинг қаъридан.
Ишонма, ишонма, — деди баъзилар,
Гоҳ-гоҳ бир-бирини ейди баъзилар.
Ёмонликни топар фақат ёмонлар,
Бир-бирин ардоқлар бизнинг томонлар.
Биз ҳар он муҳаббат, муҳаббат, деймиз,
Кўтариб турибмиз шундан қад, —
деймиз.
Муҳаббат, муҳаббат, жоним муҳаббат,
Томиримда урган қоним муҳаббат,
Фақат сен йўргаклаб олгансан мени,
Бошда кўтараман ҳамиша сени.
Кўз очиб кўрганим бўлди гўзаллик,
Бора-бора дилга тўлди гўзаллик.
Ёруғликнинг ўзи кўнглим чечаги,
Асло такрорланмас бугун кечаги.
Ҳар куним ўзгача ўтиши хушдир,
Эрка хаёлларим гўёки қушдир.
Нур излаб, нур ичра очилди кўнгил,
Мени асир этган қора кўз, эй, гул,
Эй, мени кузатган хаёли нигоҳ,
Дунё неъматидир дилимдаги «оҳ».
Муҳаббатсан дунё, гўзалсан бунча,
Мен билмаган дунё, гўзалсан бунча.
Мен билмаган диллар, албатта, ғунча.
Ишонмай бўлурми очилишига,
Тасанно айтаман дунё ишига.
Орзуим ушалмай ўлиб кетсам ҳам,
Ва охири тупроқ бўлиб кетсам ҳам —
Яна эзгуликни ўйлайман, дунё,
Фақат, фақат сени куйлайман, дунё.

МАРДЛАР

МАҲМУДЖОН ЖЎРАЕВГА

Яна Фарғонага хаёлим кетди,
Гўзаллар гўзалин бағрига етди.
Йўлимдан не чиқса, уни сизладим,
Жигаргўшаларни ёниб изладим.
Сўроқладим Маҳмуд Каримжон ўғлин,
Меҳру оқибатда жуда ҳам чўғли.
Тонгнинг ҳавосидай ғубордан холи,
Тўлиб-тошиб оқар дарё мисоли.
Алплардай сиғмасдан катта кўчага,
Саҳий қўл узатиб неча-нечага,
Кўпларнинг кўнглини олган дўстимни,
Ҳамиша савобга қолган дўстимни —
Дилдан ардоқлашар узоқ-яқинлар,
Сиз, эй зилзилалар, эй, сиз чақинлар:
Баъзан-баъзан ташлаб оғир дардларни,
Силкитиб кўрасиз шундай мардларни!
Фақат сиз меҳрибон, эй, ота-она,
Кимки курашмаса, ҳаёт бегона!
Маҳмуджонни кўрдим бехос кўчада,
Яна ўз хизматин этяпти адо.
Вақт аччиқ-ширинни унга ичирди,
Дунё на, одам не, бошдан кечирди...
Мардлар силкинишин боболар айтган,
Кейин эса, узоқ яшашга қайтган!

ДИЛГА ҚУЛОҚ ТУТ

Суяниб бўлмайди суяксиз тилга,
Оқил аввал қулоқ тутади дилга.
Қалб ўхшар ҳали сен кирмаган боққа,
Узоқлардан гўзал кўринган тоққа.
Билмайсан, бу боғнинг меваси борми,
Яшнаб турибдими ё сувга зорми?
Гулларни эркалар булбул аллалаб,
Бўрилар ётгандир, балки, болалаб!
Синалмаган тоғда чопқиллаб бўлмас,
Ўту ўланларни торткилаб бўлмас.
Оёқларнинг таги, балки, ўйилган,
Қарагин, эҳтимол, қопқон қўйилган.
Чашманинг қирғоғи ютиб юборар.,
Билмайман, ху сўқмоқ қаерга борар.
Одамлар қалби ҳам сирлидир шундай,
Кўриниб турмайди кўзингга кундай.
Сўзин тингла, аммо, қалбини ўрган.
Шуни унутмайди дунёни кўрган!

ЯЙРАБ ЎЙЛАНГ

Алам қилар шуниси фақат,
Қилолмадим ўзимга шафқат.
Энди кимга айтай арзимни,
Фарзанд бўлиб оддий қарзимни
Узолмадим онам олдида.
Вақтим бор, — деб ҳали олдинда,
Бепарволик охири еди.
Ҳажга бориш орзуим эди —
Онажоним, сизни кўтариб,
Айриликка топилмас таъриф!
Онажони тирик одамлар,
Дадил-дадил ташланг қадамлар,
Шошилинг-ей, она ёнига,
Оро киринг унинг жонига.
Улгуролмай йиғламанг мендай,
Кўнглингизни тиғламанг мендай.
Яйраб ўйнанг, қандай бахтлисиз,
Хонлардан ҳам зиёд тахтлисиз.
Ахир сизнинг онангиз ҳаёт,
О, онажон, қайдасиз, ҳайҳот!

ОСОН ЭМАС

Жаннатни хаёлдан ўтказган чоғда,
Аввало юргандай бўламан тоғда —
Ва унга туташган чеки йўқ боғда,
Мевалари холис ҳар қандай доғдан.
Хушбўй сарин еллар қилар карашма.
Гулзор орасида жимирлаб чашма —
Яраклаб-яраклаб хушимни олар,
Шу манзара ўнгу тушимда қолар.
Бу дунёда қўлим етмаган гўзал,
Куйганимга парво этмаган гўзал —
Кўзимга жавдираб кўнглимни овлар,
Нозланар-нозланар яна не ойлар,
Ошиқлар қувлашиб юргандай бўлар,
Райҳоннинг хуш бўйи ҳовузга тўлар.
Унга тушган қари айланар ёшга,
Ўзи эга ойга, эга қуёшга.
Ул дунёга асло қоронғу тушмас,
Унинг бирор они лаззатдан бўшмас.
Шовуллайди анҳор, чулдирар ирмоқ
Э воҳ, осон эмас жаннатга кирмоқ...

ОТА

Қандай ёруғ эди кечаги куним,
Онам дуо қилиб, ишимда унум.
Кўзим чақнаб кўнглим бутунлигидан,
Ўзим чақнаб кўнглим бутунлигидан —
Тоғни кўтарсам ҳам кўринган камдай,
Тоғни кўтарардим, балки, елкамда!
Юрагимни очсам энди тўла «оҳ»,
Кундузги қуёшим, тунимдаги моҳ —
Падари бузругим, волидам эди,
Бутунлай ўзгача, ўзга дам эди.
Қаердадир дадам, қаерда она?
Ҳолимни қуритар кўзимдаги нам!
Эзилиб туришим, наҳотки, хато,
Ўзни тут, эй, Йўлдош, ўзинг ҳам ота!

БЕЗОВТАЛИК

Нега туриб кетдим уйқудан сапчиб?
Қоронғулик бағрида кўзимни очиб —
Дарров йиғиб олдим ақлу ҳушимни,
Ўйлаб кетдим ҳозир кўрган тушимни:
Қандай ўтди ўзи кечаги куним,
Бўлмадими ёки ишимда унум?
Кимнингдир дилини оғритдимми ё,
Ўксидими одоб ва ёки ҳаё?
Нима учун ахир кўнгил безовта,
Чўчитган тушимни эсладим қайта:
Қўлни бигиз қилди ҳалол устозим,
Унинг таъбирини ечмоғим лозим!

«Мулоқот»ни ўқидингизми?

ВАТАН ТУЙҒУСИ ВА МАЪНАВИЙ МУЛОҚОТЛАР ЗАВҚИ

Истиқлол. Мустақиллик. Бу сўзлар ҳар куни кўп марта тилга олинади, аммо уларнинг замирида муқаддас Ватан туйғусига ҳамоҳанг теран маънолар борлигини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Ватанимизнинг асл фарзандлари — Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Шаҳобиддин Нисавий, Маҳмуд Торобий, Амир Темур ва унинг баҳодир авлодлари Шоҳруҳ ибн Темур, Бойсунғур бин Шоҳруҳ, Ҳожа Убайдуллоҳ, миллат ва дин нури Жомий, Султон Ҳусайн ибн Мансур, Алишер Навоий, Абул-Ғози Баҳодирхон, Огаҳий, Комил, Фитрат, Чўлпон, Қодирий каби эл-юрт иши учун фидойи инсонлар давлатни кучли қилиб, адолат гулзорларини яшнатиб, барча авлодлар қалбида меҳр-муҳаббат уйғотадилар.

Ватанни севиш оғизда эмас, амалда бўлиши учун ҳар бир фуқаро оддий меҳнат аҳлими, мансабдорми, бундан қатъи назар, нафс балосидан, такаббурлик ва худбинлик иллатларидан қутулишга интилиши зарур. Аммо, афсуски, бу осон иш эмас.

«Мулоқот» журнали саҳифаларида эълон қилинган миллатпарвар олим Назар Ражабов «Ватан туйғуси» деб аталган мақоласида шу номдаги китоб ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилади. Ёзувчи ва олимлар Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Нарзулла Жўраев, Хайриддин Султонов қаламларига мансуб «Ватан туйғуси» китоби истиқлол даври фуқаролари учун сув ва ҳаводай зарур маънавий озиқ беради.

Миллий Истиқлол даврида янгиланган «Мулоқот» журнали доимо халқимизни минг йиллик маънавий-маърифий хазиналар билан таништириб бормокда. Журналнинг бу йилги сонларида атоқли тарихчи Ҳамид Зиёев «Буюк ўзгаришлар ва порлоқ келажак кўзгуси» мақоласида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан озод ва обод ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Бунёдкорлик йўлидан», «Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби», «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида» деб аталган олти китобида кўтарилган муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, фалсафий муаммоларини шарҳлаб,таҳлил қилиб берди.

Шунингдек, Арасту ҳакимнинг «Ахлоқи кабир» асаридан боблар чоп этилди. Бу асарда кўтарилган ахлоқий муаммолар инсониятнинг барча авлодлари учун қимматлидир. Устози аввал Арасту мангу маънавий неъматлар ҳақида гапириб, бундай дейди: «Неъматлар кўнгилда бўлиши мумкин — бу: фазилатлардир. Ёки инсон танасида бўлиши мумкин — бу: соғлиқ ва гўзаллик. Неъматлар инсон кўнглидан ҳам, танасидан ҳам ташқарида бўлиши мумкин — булар: бойлик, ҳокимият, обрў, мартаба ва ҳоказолар. Энг олий неъматлар инсон кўнглидагиси бўлиб, улар уч турга бўлинади: оқиллик, гўзал хулқлар (ёки нодир фазилатлар) ва руҳий лаззатлар».

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарларида халқимизнинг бой ва қадимий тарихи, маънавий хазиналаримиз, янги, миллий мафкурамизнинг мазмуни ва моҳияти теран таҳлил этилади.

Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи мавлавия» асарида тасаввуф, инсоний камолот фалсафасининг мағзи очиб берилади. Журналда яна «Муқаддас китоблар», «Муқаддас шаҳарлар» туркумида ҳам журналхонлар нодир маънавий ва тарихий билимлар билан танишадилар.

Журнал саҳифаларида А. Жузжонийнинг «Хожа Аҳрори валий ва нақшбандия тариқати», Н. Мирмаҳмудовнинг «Ҳадис илмининг султони» (Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига), Д. Бегимқуловнинг «Эзгуликка чорловчи шеърият (Абдулла Орипов ижодий сийрати)», Д. Кенжаеванинг «Кўнгил маърифати», шоир Йўлдош Сулаймоннинг «Фарғонанома» достони, атоқли муаррих Бўрибой Аҳмедовнинг «Ҳиндистонга саёҳат (тарихчи, географ аллома Маҳмуд ибн Вали ҳаёти)» каби мақола ва лавҳаларида муҳим ҳаётий муаммолар кўтарилган.

1999 йилда «Мулоқот» журнали мухлисларини ватанимиз тарихининг нодир саҳифалари, бой маънавий, адабий, тарихий, фалсафий меросимиз хазиналари билан таништириб боради. Журналда ислом маданияти ва фалсафасининг буюк намоёндалари, «Муқаддас китоблар» рукнида «Таврот», «Қуръони карим», «Муқаддас шаҳарлар» рукнида эса Қуддуси шариф ва Самарқанднинг қизиқарли тарихи ва бугуни билан танишадилар.

Бизнинг мулоқотларимиз сизга руҳий бойлик ва завқ-шавқ берсин.

Нашр кўрсаткичи:
Якка обуначилар учун 844
Ташкилотлар учун 845

Маҳкам МАҲМУД

МАКТУБЛАР ЖАҲОН КЕЗАДИ

Тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоев билан суҳбат

Тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоев — Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг бош илмий ходими. Олим қарийб қирқ беш йилдан буён минглаб Шарқ қўлёзмаларининг тавсифини ёзиб, каталоглаштириш ва уларнинг энг ноёбларини тадқиқ қилиб, илмий-танқидий матнлари ва замонавий тилларга қилинган илмий изоҳли таржималарининг академик нашрларини амалга ошириш юзасидан самарали изланишлар олиб бормоқда.

Домла томонидан ҳамда ҳамкорликда тайёрланган ва чоп қилинган Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг илмий-танқидий матни ва мухтасар ўзбекча таржимаси, Абдураҳмон Жомий дастхат-мактубларининг илмий-изоҳли таржималари, бир неча минг қўлёзма асарлар тавсифини ўз ичига олган кўп жилдлик «Шарқ қўлёзмалари тўплами» («Собрание восточных рукописей») феҳристининг бир неча жилди, Абу Али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн»и, Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асари нашрлари ва бошқа бир қанча ишлар ўзбек шарқшунослик фанининг улкан ютуқлари сирасига киради.

А. Ўринбоевнинг теран ва салмоқли илмий тадқиқотлари хориждаги илмий марказларда ҳам юксак эътибор қозониб, бир қатор мамлакатлардаги ҳамкасблари домлани ҳақли равишда етакчи ўзбек манбашуноси сифатида эътироф этишади. Олим деярли барча ҳамдўстлик мамлакатлари ва Эрон, Туркия, Афғонистон, Франция, Япония каби хорижий ўлкаларда (баъзиларида бир неча бор) илмий сафарларда бўлиб, халқаро анжуманларда манбашунослик фанининг долзарб муаммоларига бағишланган мавзуларда илмий маърузалар қилди. Истиқлол йилларида А. Ўринбоев фаолиятида чет эл олимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг салмоғи анча ошди. Чунки мустақиллик ўзбек фани ютуқларини жаҳонга ёйиш учун катта имкониятлар яратиб берди. А. Ўринбоев раҳбарлиги ва иштирокида Ўзбекистон ва Эрон олимлари ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган форс тилидаги қўлёзма асарларнинг тўла феҳристини Эронда нашр этиш юзасидан иш олиб боришмоқда ва мазкур феҳристнинг тарихий асарлар тавсифини ўз ичига олган биринчи жилди 1997 йилда Теҳронда чоп этилди. Араб олимлари билан ҳамкорликда тайёрланган араб тилидаги нодир асарлар феҳристи эса Дубай шаҳрида нашр этилди. Япон олимлари билан ҳамкорликда Хива хонлигига оид тарихий ҳужжатларнинг асл нусхалари ва русча ҳамда японча таржималарини Японияда чоп қилишга тайёрлаш ишлари ҳам якунланиш арафасида. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асари таржимасини Қозоғистонда қайта нашр этиш юзасидан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Яқинда А. Ўринбоев Америка Қўшма Штатларида илмий сафарда бўлиб қайтди. Шу муносабат билан домлага учрашиб, сафар таассуротлари ва натижаларини ҳикоя қилиб беришларини сўрадик.

— Домла, аввало, Америка каби олис бир мамлакатга сафарингизнинг мақсадлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— 90-йиллар бошларидаёқ баъзи АҚШ олимларининг Марказий Осиёдаги тасаввуф таълимоти, ерсув муносабатлари тарихига доир ҳужжатлар, жумладан, вақфномаларга қизиқиш ва эътиборлари катта эди. Мазкур мавзуларни чуқур ўрганиш учун манба бўла оладиган асосий материаллар бизнинг Ўзбекистонда, жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси, Давлат архиви ва бошқа илмий марказларда мавжуддир. Шунинг учун бу мавзулар билан шуғулланишни истаган америкалик олимлар Ўзбекистонга илмий мақсадларда ташриф буюришди. Жумладан, АҚШнинг Нью Жерси штатидаги Нью Жерси коллежи профессори Жоанн Гросс хоним ҳам бир неча бор институтимизда бўлиб, тасаввуф тарихига оид қўлёзма манбалар устида иш олиб борди. Айниқса, XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб фаолият кўрсатган тасаввуф аҳлларининг дастхат мактублари тўплами — «Мажмуаи муросалот» ёки «Навоий мураққаъи (албоми)» америкалик профессорнинг диққатини кўпроқ жалб қилди ва у ушбу мўътабар манбанинг микрофилм нусхасини Америкага олиб кетишга рухсат этишимизни сўради. Камина ҳам кўп йиллар давомида ушбу мажмуа устида илмий тадқиқотлар олиб бориб, унинг салмоқли қисмини, яъни машҳур адиб ва мутафаккир Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб 337 та дастхат мактубнинг факсимилеси, типографик усулдаги нашри ва рус тилига қилинган илмий-изоҳли таржималарини илмий жамоатчилик фойдаланиши учун нашрга тайёрлаган эдим. Ушбу илмий тадқиқотлар 1982 йили Тошкентда, сўнгра Абдураҳмон Жомийнинг бошқа қўлёзма манбаларда мавжуд бўлган мактублари ҳам илова қилинган ҳолда 1987 йили Душанбеда ва Кобулда нашр этилди. Тасаввуф таълимоти ва машҳур мутасаввифларнинг ўз замонасидаги ҳукмдор шахслар билан ўзаро муносабатларига доир бир қатор янги маълумотлар илк бор эълон этилган бу илмий нашрлар туфайли «Мажмуаи муросалот»даги ҳали тадқиқ этилмаган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг муридлари мактубларига ҳам илмий жамоатчиликнинг қизиқиши кучайди. Мажмуанинг қолган қисмларини ҳам илмий муомалага киритиш зарурлиги ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг мен эътиборимни кўпроқ Хожа Аҳрор ва унинг муридлари хатларига йўналтириб, ушбу мавзуда бир неча мақола ёздим. Мазкур мактубларнинг ўтмиш маънавиятимизнинг кам ўрганилган бир соҳасига оид бекиёс маълумотлар беришини назарда тутиб, уларни тўла ҳолида ўзбек ва рус тилларида тадқиқот ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаб чоп этиш ҳақидаги ўз илмий режаларимни Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасига тақдим этдим. Шу билан бирга нодир хатларни илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш учун бошқа восита ва йўллар ҳам изланди. Шу мақсадда мен мажмуага анчадан бери қизиқиб юрган Жоанн Гроссга тўпламнинг ҳали илмий муомалага киритилмаган қисми устида ҳамкорликда тадқиқот олиб бориб, уни биргаликда нашрга тайёрлашни таклиф қилдим. Ж. Гроссга бу таклиф маъқул бўлди ва Нью Жерси коллежи маъмурияти ҳам ушбу тадқиқотга ҳомийлик қилишга розилик билдирди. Натижада Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Америка Қўшма Штатларининг Нью Жерси коллежи ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилди ва унга биноан кейинги бир йил мобайнида Ж. Гросс Нью Жерси коллежида ва мен ўз институтимизда Хожа Аҳрор ва унинг муридлари хатларини рус ва инглиз тилларига таржима қилиш устида иш олиб бордик. Мактублар таржималари ва тадқиқотнинг битган қисмларини хат орқали алмашиб турдик. Иш маълум босқичга етганда тўпланиб қолган бир қатор савол ва жумбоқларни биргаликда ҳал қилиш учун менинг Америка Қўшма Штатларига боришимга зарурат туғилди ва камина шу йил апрел ойида Нью Жерси штатидаги Ж. Гросс ишлаётган коллежда бўлиб қайтдим.

— Ҳатто, окёнус ортидаги ўлка олимларини ҳам шу қадар қизиқтирган «Мажмуаи муросалот» тўплами қачон тузилган ва ундаги мактубларнинг умумий мазмун-мундарижаси қанақа? Мажмуанинг илмий адабиётларда кўпинча «Навоий мураққаъи» ёки «Навоий албоми» деб аталишининг боиси нимада?

— «Мажмуаи муросалот» — институт хазинасида сақланаётган ёзма ёдгорликлар орасидаги энг нодир дурдоналардан бири. Унда Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуф аҳлига мансуб бўлган 16 шахснинг Ҳирот саройига — Султон Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий ва баъзи бошқа сарой мансабдорларига ва қисман Ҳиротда яшаган Абдураҳмон Жомийга ёзган дастхат мактублари жамланган. Уларнинг аксари XV аср иккинчи ярмига оид бўлиб, Ҳирот саройи кутубхонасида қарийб ярим аср давомида тўпланиб борилган. Мактубларнинг салмоқли қисмининг муаллифлари бўлмиш Абдураҳмон Жомий ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорлар вафот этгандан сўнг, 1495 йиллар атрофида Алишер Навоий уларни табаррук ёдгорликлар сифатида бир мажмуа (мураққаъ-албом)га тўплашни буюрган. Бу ҳақда буюк шоир ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарининг Хожа Аҳрорга бағишланган фаслида шундай деб ёзади: «Аларнинг бу ҳақир ила илтифотлари кўп бор учун ваҳий осор руқъалари (мактублари — А. Ў.) била мушарраф қилиб, ишларга маъмур қилур эрдилар, ул руқъаларни мураққаъ ясаб, жазвал ва такаллуфот била асрармен». (ЎзР ФА ШИ, қўлёзма № 857, 178 б. варақ). Шу тариқа тузилишига бевосита сабабчи бўлган киши Алишер Навоий эканлиги назарга олиниб, илмий доираларда бу тўплам «Навоий албоми» ёки «Навоий мураққаъи» деб аталиб келмоқда. Лекин унга илгари ҳали бу мураққаъ XX аср бошида Бухоро қозиқалони бўлган китобсевар ва маърифатпарвар Шарифжон Махдум (Садр Зиё)нинг шахсий кутубхонасида сақланаётганлигида берилган «Мажмуаи муросалот» номи ҳам илмий адабиётларда кенг тарқалган.

Бундан беш аср илгари буюк бобокалонларимизнинг ўз қўллари билан битилган, ҳазрат Навоийнинг табаррук назари тушган ва айримларининг номлари бизга маълум, кўпчилигиники эса номаълум бўлган ўнлаб аждодларимиз кўз қорачиғидек асраб-авайлаб авлоддан-авлодга етказганлари туфайли бизнинг давримизгача асл ҳолида етиб келган ушбу нодир хатларга Ўзбекистон олимлари ва бошқа турли мамлакатлар илмий марказларининг қизиқишлари зўрлиги сабабига тўхталадиган бўлсак, уларнинг умумий мазмуни ҳақида қисқача сўзлаб ўтишга тўғри келади.

Маълумки, XV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳр маънавий ҳаётида муҳим мавқе тутган нақшбандия тариқати таълимотига кўра, бу сулук аҳллари жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, халқ фаровонлиги ва мамлакат тинчлиги каби эзгу ғояларни тарғиб қилганлар. Шу сабабли ҳам, нақшбандия тариқати шайхларининг Ҳирот саройига ёзган мактублари оддий салом хатлари бўлмасдан, юқоридаги ғояларни амалда қўллаш мақсадида йўлланган. Масалан, мажмуада Хожа Аҳрор валийнинг 128 дона хати бўлиб, уларнинг аксариятида кўзда тутилган мақсад Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукм сурган темурий шаҳзодалар орасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга чақириш, диний масалаларда шариатга қатъиян риоя қилиш, баъзи қийин аҳволда қолган кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш, айрим тасаввуф аҳлларининг ва Хожа Аҳрор ўзининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари ва ҳоказолардир. Хожа Аҳрорнинг муридлари ёзган хатларда эса (улар ҳам юздан ортиқ ададни ташкил этади) Хожа Аҳрор бошлаган мақсад ва йўналишлар давом эттирилади. Муҳаммад ибн Аминуддиннинг мактублари аксар ҳолларда толиби илмларга таҳсил олишлари учун шароит яратиб беришни сўраб ёзилган. Чамаси, Муҳаммад-ибн Аминуддиннинг касби мударрислик бўлиб, илм аҳли орасида обрў-эътибори юқори бўлган. Хуллас, мактублар ўша даврдаги тасаввуф аҳлининг таълимотлари, шахсий фаолиятлари ҳамда ҳукмрон табақалар билан муносабатларини ўрганиш учун ғоят қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Масалан, Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро саройидаги юксак лавозимдан истеъфо бериш ниятида юрган вақтда Хожа Аҳрор Самарқанддан унга мактуб йўллайди. Мактубда, жумладан, шундай деб ёзади: «Жанобингиз ҳар турли кечмишлар сабабли онҳазрат (яъни, Султон Ҳусайн)га мулозаматдан малол чекар экансиз. Илтимос шулки, бирор фақирнинг мушкулини осон қилиш, мусулмонларга мадад етказиш мақсадида саройда хизматда бўлинг. Бирор киши ҳам мусулмонлар ғамини ейишни ўйламай қўйган бу замонда уларга ғамхўрлик қилиш энг хайрли ишдир».

Шу биргина мактубдан ҳам кўринадики, нақшбандия тариқати пешволари эзгу ғоялар тараннум этилган асарлар битиш билан чекланиб қолмасдан, уларни жамият ҳаётига татбиқ этиш учун фаол равишда саъй-ҳаракат қилганлар. Улар ўз хатларини Алишер Навоийнинг инсонпарварлик, одиллик хислатларини назарда тутиб, илтимослари инобатга олинишига комил ишонч билан битганлари Муҳаммад ибн Аминуддин мактубларидан биридаги ушбу жумладан ҳам аён бўлади: «Ночор ва ожиз кишиларга нисбатан иноят ва марҳаматингиз равшан бўлганлиги учун ортиқча муболаға қилиб ўтирмайман». Ҳазратга турли-туман масалаларда — подшога насиҳат қилишдан тортиб, зиндонда ётган этикдўзни хотини ва ёш боласи оғир аҳволда қолгани учун тавбасини қабул қилиб озод этиш ҳақидаги арзномагача — юзлаб мактуб-илтимосномалар жўнатилгани учун қанчалик одил ва халқпарвар давлат арбоби бўлганидан далолат беради.

— Илмий сафар мобайнида Америкада амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Илмий марказлар орасидаги шартномага биноан, камина ва Жоанн Гросс ҳамкорликда Хожа Аҳрор ва унинг яқин муридлари хатларини илмий изоҳлари билан бирга инглиз тилида нашрга тайёрлашимиз, шунингдек, хатлар асл нусхалари сурати ва типографик усулда чоп этиш учун уларнинг осон ўқиладиган машинкада кўчирилган нусхаларини ҳозирлашимиз лозим эди. Илмий тадқиқот якунлангач, хатларни аслият ва инглиз тилида Голландиянинг Лейден шаҳридаги Брилл нашриётида чоп этиш кўзда тутилган. Шарқ ёзма манбаларининг энг нодир нусхаларини чоп этишга ихтисослашган бу машҳур нашриёт бизнинг тадқиқотимизни нашр этишга розилик билдириб, буни махсус хат билан тасдиқлаган эди. Америкада ишнинг биринчи ярмини якунлашга эришдик. Яъни 130та мактубнинг русча ва инглизча таржималари муқояса қилиниб, таҳрирдан ўтказилди. Хатларда тасаввуф истилоҳларининг ғоят кўплиги, ўз даври воқеаларига бир қарашда англаш мушкул бўлган ишоратлар мавжудлиги, тарихий шахслар номлари эслатилиши каби ҳоллар ҳар иккала ижрочида иш жараёнида анча-мунча саволлар туғилишига олиб келган эди. Бирга ишлаш пайтида илмий адабиётларга асосланган ҳолда ушбу масалалар бирма-бир ҳал қилинди. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар бир муаллифнинг ўз хусусиятларига эга бўлган шикаста ва риқоъ хатлари билан ёзилган ва асл нусхада ўқиш, ҳатто, мутахасислар учун ҳам катта қийинчилик туғдирадиган ушбу мактублар 1939 йили Шарқ ёзма ёдгорликларининг беназир билимдони машҳур хаттот Ибодулла Одилов томонидан равон ўқиладиган настаълиқ хатига кўчириб ўтказилган эди. Биз типографик усулда чоп этиш учун тайёрланган барча мактубларни Ибодулла Одилов нусхасига солиштириб бордик. Шу тариқа домланинг бундан қарийб олтмиш йил бурун илм-фан учун қилган беминнат хизмати манбашунос олимларга катта ёрдам бермоқда.

— Сиз ишлаган коллежда таълим тизими қанақа ва қай йўсинда илмий тадқиқотлар олиб борилади?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, мен у ерда кўп вақт илмий тадқиқот билан банд эканлигим туфайли коллеждаги таълим тизимини чуқур кузатиш имкониятига эга бўлмадим. Мазкур коллежда ўқиш асосан пулли экан. Унинг табиий ва ижтимоий фанларга оид қатор факултетлари бор. Коллеж профессорлари талабаларга дарс бериш билан бирга чуқур илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб боришар экан. Масалан, Ж. Гросс тарих факультетида дарс бериш билан бирга тасаввуф соҳасида катта илмий изланишлар олиб боради. Илмий унвонларга эришиш ҳам мана шу икки йўналишдаги фаолиятнинг қанчалик маҳсулдорлигига боғлиқ. Коллеж факултетлари бинолари аҳоли манзилгоҳларидан четроқда, алоҳида ҳудудда жойлашган. Унинг ўз стадионлари, ошхоналари, кутубхоналари мавжуд. Коллеж шаҳарчаси доимо тинч ва осойишта бўлиб, унда асосан талабалар, ўқитувчилар ва хизматчилар бўлишади. Талабаларнинг тиришқоқлиги ҳавас қилса арзигулик бўлиб, уларнинг юриш-туришидан вақтни бекор ўтказмасликка интилишлари сезилиб туради. Масалан, кўкаламзор чеккаларидаги ўтирғичларда китоб мутолаасига неча соатлаб машғул бўладиган талабаларни кўп учратиш мумкин. Барча ўқув хоналари компютер ва бошқа замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, бу тарафдан ҳеч бир муаммо йўқ.

— Бу диёрдан олган бошқа таассуротларингиз билан бўлишсангиз.

— Ушбу сафар давомида мен, Ж. Гроссдан ташқари, Марказий Осиё тарихи ва маданияти масалалари билан шуғулланувчи яна бошқа баъзи йирик мутахассислар билан учрашдим. Сафар давомида Нью-Йорк шаҳридаги машҳур метрополитен музейи, Вашингтондаги Фрир галереясида бўлдим. Ҳар иккала музейда ҳам биз борган кунларда Ипак йўли кўргазмаси ташкил қилинган экан. Қизиғи шундаки, бу кўргазмага «When silk wasgold», яъни «Ипак олтин бўлган давр» деб ном берилган ва худди шу номда каттагина китоб-албом ҳам аъло сифатли қоғозда нашр этилган. Китобда кўргазмадаги барча экспонатларнинг рангли тасвири бўлиб, уларга тарихий тушунтиришлар илова этилган. Ушбу материаллар Ипак йўлининг жаҳон тарихи ва маданиятида тутган ўрнини англашга катта ёрдам беради. Менда кўргазма катта таассурот қолдирди ва китоб-албомни олиб келиш насиб этди. Вашингтондаги Конгресс кутубхонасида ҳам бўлдик. Унда 93 миллион нусха китоб сақланар экан. Шунингдек, Нью-Йоркда БМТ биноси ва Вашингтонда Капитолийни кўришга муваффақ бўлдим.

— Америкада сақланаётган Шарқ қўлёзмалари билан танишиш имконияти бўлдими ва Марказий Осиё тарихига оид қайси муҳим адабиётларни олиб келдингиз?

— Америка Қўшма Штатларида Шарқ қўлёзмалари у қадар кўп эмас ва улар баъзи йирик илмий марказлардагина мавжуд. Аммо бошқа мамлакатларда сақланаётган қўлёзма асарларнинг микрофилм ва фотонусхаларини олишга катта эътибор беришаркан. Кўп мамлакатларда Шарқ ва Ғарб тилларида чоп қилинган китобларни йиғиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Масалан, мен яхшироқ кўздан кечиришга муваффақ бўлган Принстон университети кутубхонасида Шарқ халқларининг қадимги ва янги давр тарихи ва маданиятига оид ўнлаб тиллардаги адабиётлар нашрлари мукаммал ҳолда тўпланган. Бу ерда Ўзбекистонда нашр қилинган баъзи китоблар ҳам бор экан. Вашингтондаги бир музейда Шарқ миниатюралари (мусавваралари) сақланадиган махсус хона бўлиб, биз борганимизда у ёпиқ экан. Аммо илтимосимизга биноан Ж. Гросс билан кириб миниатюраларни кўздан кечиришимизга ижозат беришди. Биз у ерда сақланаётган тасвирий санъатнинг нодир дурдоналаридан бўлган Абдураҳмон Жомийнинг «Ҳафт авранг» асарига чизилган XVI асрга оид ажойиб тўпламни томоша қилишга муяссар бўлдик. Менинг эътиборимни тортган нарса шу бўлдики, китобларни бизга кўрсатган ходима уларни махсус жавонлардан эҳтиёткорлик билан олиб лавҳ устига қўйиб, махсус қоғозча ёрдамида бармоқларини китобга теккизмай саҳифаларни очиб кўрсатар, бизга фақат кўз билан қарашгагина рухсат этилганди. Бу тажриба бизда ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги ўз-ўзидан равшан. Чунки ноёб китоблар фақат бизнинг эмас, балки келажак авлодларнинг ҳам мулки-да. Мен Америкадан бир неча китоб ва миниатюралар тўпламини олиб келдим. Улар орасида энг муҳими Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарининг америкалик манбашунос олим В. М. Такстон амалга оширган янги инглизча таржимаси ва форсча матни нашридир. Биз ҳам мазкур асарнинг русча таржимасини нашрга тайёрлаб, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб, 1996-йили, В. М. Такстон билан деярли бир вақтда Тошкентда «Фан» нашриётида чоп этган эдик. Лекин ҳозирги пайтда ҳам Марказий Осиёнинг XIV-XVI асрлардаги тарихи ва маданиятига оид бу нодир асар устидаги тадқиқотларимизни давом эттиряпмиз. В. М. Такстон нашри ушбу нодир асарнинг турли тилларга таржималарини қиёсий ўрганишда асқотиши аён.

— Домла, яна асл мақсадга қайтсак. Ж. Гросс билан ҳамкорликда олиб бораётган илмий тадқиқотларингиз қачон якунланади ва уни инглиз тилида нашр этиш қайси пайтга режалаштирилган?

— Шартнома бўйича ишнинг тугалланиши 1999 йилга режалаштирилган. Юқорида айтганимиздек, биз ҳозир ишнинг ярмини бажариб, қолган вазифаларни ҳам биргаликда мувофиқлаштириб олдик. Ҳозирда тадқиқотни ҳар биримиз мустақил равишда давом эттириб, эришилган натижалардан хат орқали бир-биримизни хабардор қилиб, ўзаро фикр алмашиб турибмиз. Келаси йили Ж. Гросснинг Тошкентга келиши кўзда тутилган. Ўшанда барча масалалар ҳал қилиниб, китобни нашрга тайёрлаш ишлари якунланади ва у Брилл нашриётига тақдим этилади. Худо хоҳласа, ушбу нашриётда бир неча йиллик меҳнатимиз самараси рўёбга чиқади.

— Биз ҳам бунга тилакдошмиз. Ўтмиш меросимизнинг дурдона асарларига қизиқадиган барча ўқувчиларда ушбу суҳбатимиз бир муҳим савол туғдириши тайин. Яъни, энг биринчи галда Марказий Осиёнинг маданият гуллаб-яшнаган бир даврдаги тасаввуфий ва маънавий ҳаётини ўрганиш учун бекиёс аҳамиятга эга бўлган, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратларининг номи билан боғланган, Хожа Аҳрор, Абдураҳмон Жомий каби улуғ сиймоларнинг ўз қўллари билан битилган ва беш асрни ортда қолдириб, бизнинг давримизгача асл нусхада етиб келишининг ўзи бир мўъжиза бўлган ушбу табаррук мажмуа ўзбек тилида ёруғлик кўриши нақадар зарур эканлиги барча учун аён. Келажак илмий режаларингизда ушбу муҳим тадбир ҳам кўзда тутилганми?

— Бу мажмуадан ўзбек китобхонлари, айниқса, илмий жамоатчилик бехабардир, дейиш тўғри эмас. Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1939 йили Ибодулла Одилов мажмуани настаълиқ хатида кўчиргач, унинг устида илмий тадқиқотлар олиб бориш хийла осонлашди. Р. Набиев, М. Баротова ва бошқа ўзбек олимлари ўз мақолаларида баъзи хатларнинг мазмунини эълон қилган эдилар. Камина ва шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний ҳамкорликда тайёрлаганимиз «Навоий замондошлари мактубларида» рисоласида (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1990) эса бир қадар кўпроқ мактубларнинг мазмун-мундарижаси ва уларнинг муаллифлари ҳаёти ва фаолиятига оид манбаларда мавжуд бўлган баъзи маълумотлар баён қилинган. Бундан ташқари, ўзбек вақтли матбуотида чоп қилинган Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Муҳаммад ибн Аминуддин, Али Қушчи ва бошқалар ҳақидаги мақолаларимизда асосий манба сифатида мазкур мажмуага таянганмиз. Буларнинг барчасида мактублардан намуналар келтирилган. Аммо мажмуани яхлит тарзда, яъни ундаги 594 хатнинг барчасини ўзбек тилига таржима қилиб, изоҳ ва тадқиқотлар билан нашр этиш навбатдаги илмий режаларимиз қаторидан ўрин олган. Шуни айтиб ўтиш керакки, мажмуа тўла ҳолида ҳали бирон-бир тилда нашр этилгани йўқ. Назаримизда унинг тўла нашрини айни ўзбек тилида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бу тадбир замонамиз даъватига ҳам тўла мос келади. Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов бир қатор суҳбат ва маърузаларида олимларни ўлкамиз тарихини янгитдан холисона ва илмий асосда яратишга даъват қилди. Навоий мураққаъидан жой олган хатларнинг аксарияти эса ўз даври ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, диний ва маънавий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотларга эга эканлиги жиҳатидан мазкур соҳалар бўйича Темурийлар даври тарихини ёзиш учун беназир манба хизматини ўташи муқаррар.



Суҳбатдош
Ғулом КАРИМ

«ЭШИКНИ ЁПИБ КЕТ!» — ДЕГАН ЭКАН СВИФТ

СУЮНЧИ НИМА БЎЛАДИ?

Хотиним тўққиз кундан бери туғруқхонада ётган эди. Бугун кўзи ёриди, деб хабар келди. Бордим. «Ҳамшираларга суюнчи бериш керак», дейишди. Бердим. Лекин чақалоқни кўрсатишмади. «Ҳали эрта», деб айтишди. Яна уч кундан кейин борсам, бола нобуд бўлибди. Жуда ачиндим.

А, энди суюнчи нима бўлади?

К. АМРУЛЛАЕВ

ҲАСАН ЯКДАСТАНИНГ БЎРКИ

Шерободда икки тоғ орасида Сайёд деган яйлов бор. Йўлдан ўтиб кетаётганда яйловга қарамай ҳеч илож йўқ. Унда ажиб бир қоятош қад кўтариб туради. У қўлида ҳасса тутиб, бошида ўзига ярашган бўрки билан адирга ўрлаб кетаётган дароз бўйли чўпон бобонинг худди ўзи. Халқ орасида бу ғаройиб қояни Ҳасан якдаста дейишади. Юртни ёв босганда, ёғий илкига тушмай деб, нола қилганда, чўпон бобо шу ернинг ўзида тошга айланиб қолган экан.

Яқинда йўлим тушиб ана шу ерлардан ўтдим. Ҳасан якдастани зиёрат қилдим. Не кўз билан кўрайки, энди унинг салобатли бўрки йўқ эди. Бўркни қоя остида юмалаб ётган ҳолда топдим. Суриштирсам, овчилар шу ерларда эрмак қилиб юриб, бўркни отиб туширишган экан.

Вой қўли қичиганлар-эй!

Шерободга бориб табиатшунослар билан гаплашдим. Экология маркази ўқувчилари устозлари Б.Раҳимов бошчилигида қоянинг бўркини жойига тиклашга қарор қилганликларини сўзлаб беришди.

Ҳасан якдастанинг сафари яна давом этадиган бўлди.

Ҳ.ТОҒАЙМУРОД
Сурхондарё

Катталар ва болалар ўртасида бутун дунёда машҳур бўлиб кетган, жаҳон ўқувчиларининг энг севимли китобларидан бири «Гулливернинг саёҳатлари»ни Жонатан Свифт ёзганлигини ҳамма билади.

Свифт ўтакетган ўжар ва бир сўзли одам бўлган. У ўз қўл остидаги хизматчиларини буйруқ бериб ишлатишни яхши кўрган. Свифтнинг бу одатларини яхши билган ходимлари барча ишларни тўлиқ, саранжом-саришта қилишга одатланишган.

Кунлардан бир кун Свифтнинг бош хизматкори касал бўлиб қолган, синглисидан хабар олиб келиш учун рухсат сўрабди. Свифт унга рухсат берибди. Ҳатто унинг бориб келиши учун ўзининг коляскасини ҳам таклиф этибди.

Хизматкор қиз бундан боши осмонга етиб, югуриб хонадан чиқиб кетибди. Камоли шошганидан Свифтнинг хонаси эшигини ёпишни ҳам унутибди.

Орадан ярим соатлар ўтгач, Свифт бошқа хизматкорини чақириб, унга бош хизматкор қизнинг ҳеч қаерга бормаслиги кераклигини тайинлабди.

Қиз Свифтнинг хонасига хафа ва хомуш кириб келибди ва нима сабабдан рухсатни бекор қилганлигини сўрабди.

Свифт унга: Аввал сен эшикни ёпгин, дебди. Қиз эшикни беркитгач, ана энди борсанг бўлади, сенга рухсат, сафаринг бехатар бўлсин! — деб оқ йўл тилаган экан.

КИВИ ДЕГАН ҚУШ

Биз Хумо қушини эъзозлаймиз. Уни миллий давлат гербимизда ҳам акс эттирганмиз. У биз учун бахт, ўлмаслик ва абадий қайта бунёд бўлиш рамзи.

Мана, янги зеландияликлар эса, Киви деган қушни севадилар.

Киви — думсиз ва қанотсиз қуш. У узун ва ўткир тумшуғи билан овқат топиб ейди. Киви Янги Зеландия тўқай ва чакалакзорларида яшайди. Кўпроқ вақтини қоронғуликда ўтказади. Киви — атиги битта тухум қўяди. Унинг тухуми жуда катта бўлади. Тухум қўйгач, урғочи киви тухумни эркак кивига ташлаб кетади. Эркак киви тухум устида 75 кун ўтириб, ниҳоят уни очиб чиқади.

ВАШИНГТОН — АҚШНИНГ ПОЙТАХТИ

АҚШ мустақиллиги учун бўлиб ўтган 1775—1783 йилги урушдан сўнг, АҚШ давлатининг пойтахти қаер бўлиши керак деган катта муаммо ўртага чиқди. Давлатнинг пойтахти бўлишни кўпгина шаҳарлар орзу қилар эдилар. Мустақил давлатнинг пойтахти учун янги шаҳар қуриш фикрига келинди. 1791 йилда АҚШнинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон шаҳар қад кўтарадиган жойни кўрсатди. Бу океан қирғоғига яқин энг қулай жой эди. Бу ердан оқиб ўтадиган Потомак дарёси серсув, чуқур ва кенг бўлиб, кемаларнинг шаҳарга кириб келишига имконият яратар эди. Шаҳар қуриб битказилгач, қирғоққа яқин жойлар ўз кашфиётчиси шарафига Колумбия номини олди. Янги шаҳар эса давлатнинг биринчи Президенти шарафига «Вашингтон» деб аталди.

1800 йилда шаҳарда «Оқ уй» биноси қуриб битказилди. Бундан ташқари АҚШ конгресси (АҚШ парламенти шундай номланади) биноси ва бошқа бинолар ҳам қуриб битказилиб, «Капитолий» номини олди. АҚШ конгресси ўтказиладиган бинонинг атрофи «Капитолий майдони» деб аталади. Вашингтон шаҳрининг меъморий тузилиши жуда гўзал, катта ва чиройли кўчалар унинг ҳуснини очиб туради.

Хандон глобус

ЯХШИ БОЛА

Она: — Нима учун сен Жон ва Дон билан ўйнаяпсан? Улар ёмон болалар эканлигини билмайсанми?

Бола: — Ҳа, ойи, улар ёмонлигини биламан.

Она: — Унда нега яхши болалар билан ўйнамайсан?

Бола: — Чунки уларнинг ота-оналари мен билан ўйнашга рухсат беришмайди-да.

КИМ КЎП БИЛАДИ?

— Мен ва Отам дунёдаги барча нарсаларни биламиз, — деб мақтанди бола ўртоғига.

— Жуда яхши, — деди ўртоғи. — Унда айтчи, Осиё қаерда жойлашган?»

Бола бурнини тортди ва: — Бу саволни отам билади, — деди.

ОДОБЛИ ФАРЗАНД

— Оилангиз борми, хоним?

— Ҳа, ҳатто битта фарзандимиз ҳам бор.

— Болангиз чекадими?

— Йўқ, у ҳозирча чекмайди.

— Бу жуда яхши. Тамаки умрнинг заволи. Болангиз жуда яхши бола бўлса керак. Ҳозир нечага кирди.

— Бугун роппа-роса тўрт ойлик бўлди.

ИТ БИЛАДИМИ?

Почтачи газета ва хат солинган сумкасини кўтариб бир уй олдига келди. Уй олдида у итга дуч келиб, тўхтади.

Ит унга акиллади. Почтачи итдан қўрқиб кетди.

Шу пайт уй эгаси чиқиб қолди.

— Итдан қўрқманг, — деди у. — Итга тегмасанг, у ҳам сенга тегмайди, деган мақолни эшитганмисиз?

— Ҳа, хоним эшитганман. Бу мақолни мен ҳам, сиз ҳам биламиз. Лекин ит билармикин?

Хуршид НИШОНОВ тайёрлади.

Ошиқлар зинаси.

Далолат

НИМА-НИМАДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ?

Овуртни (оғиз ичи пайи) ҳадеб беихтиёр тишлаб олавериш кишининг меъёридан ортиқ озганлигидан далолат беради.

* * *

Кексаймай туриб, қўл-оёқнинг музлагандай бўлиши сиз истеъмол қилаётган овқатларнинг кўпчилиги кам калорияли егуликлар эканлигини билдиради.

* * *

Қўл ва (оёқ) бармоқларини букиб қирсиллатишга ҳавас қилмаган маъқул, бу «машғулот» шу аъзолар бўғинларининг мадорини олади ҳам уларни тез-тез терлайдиган қилиб қўяди. Қолаверса, бошқаларнинг олдида шу «эрмак» билан беихтиёр шуғулланиб қолиш одоб нуқтаи назаридан ҳам мақбул иш эмас. Қўлингизнинг нам тортиб «терлаши» ҳам жуда ўнғайсиз.

* * *

Тирноқни минг тозалаган билан уни барибир ҳалоллаб бўлмайди. Ҳалол-ҳаром тушунчасидан ташқари, оддий тиббиёт тили билан айтганда, тирноқ ўлик ҳужайра ҳисобланади. Лекин унинг бир хавфли «тирилиши» бор. Табиийки, тирноқ тез-тез синиб туради, иттифоқо, бирон егуликка аралашиб ҳазм бўлмасдан мабодо бир четга — тананинг бирон ички аъзосига ўрнашиб қолгудай бўлса, у ўша жойда ўса бошлайди... Ахир қадимдан қолган «кундошининг боласини тирноқ бериб ўлдиради» дейилган гап бежиз айтилмаган. Буни қарангки, бутун тана ўлик ҳужайра йиғиндисига айланган пайтда тирноқ бирдан ўсиб кетади, эҳтимол Хоразм тарафларда «тирноқ ўликка ярашади» деб шунинг учун айтарлар.

УЗРО

УЗРО

СУЮКЛИ СЎЗ

Қўйингда муҳаббат эрк бўлиб оқар,
Арш бўйи ўсганим сенга йиқилсам.
Кўксинг оташидан яралмишингман,
Ватан, сен ўзимсан — ўзимни билсам.

Руҳим тандин аввал пойингга сингмиш,
Бағрингда Ишқ ёққан ўтинг бўламан.
Мен бир вужудингдан кўтарилган жон,
Сенга йиқиламан, сенга тўламан.

Ёниб юрак бўлдим, меҳрингга мажнун,
Кўнглимнинг ер-кўкин ошён қилурсен.
Тангрига нурдошим, ёруғ йўлдошим,
Мени ўзимдан-да ортиқ билурсан.

Сен шундай ватансан, азалдан абад,
Юраклар исмингни айтаверади.
Фарзандларинг қалбин кўриб қиёмат
Ҳар гал минг йилликка қайтаверади.

Мен Зардушт бобомнинг ўтлиғ қонидан
Тарихларни суриб дунё кўрган дил.
Юртим, илоҳий бахт сеники бўлмоқ,
Мангудир ишқ, мангу зардуштий кўнгил.

Умрим лаҳзаларин юлдуздай сочдим,
Туроним, сен боқий эрк эркасисан.
Тупроғинг кўпирар томирларимда,
Заминнинг ишқ қайнар хос ўлкасисан.

Худонинг суюкли сўзисан, Ватан,
Ўзини билганга ўзисан, ВАТАН.

ОЁҒИНГИЗ ТАГИДА... ХАЗОН!

Оёғингиз тагига тўшалаётган хазонни секинроқ босинг — бақириб юбориши мумкин. Агар эшитсангиз. У кеча қишнинг бағридан яшилликка айланиб, бошингиз узра соя ташлаганди, эслаб кўринг. Бугун сарғайиб оёғингиз тагида ётибди. Хазон у бугун. Оёқ остида бугун. У ҳаёт аталмиш буюк файласуфнинг шафқатсиз фалсафаси қурбонига айланмоқда. — Тўкилмоқда. Тўкилмоқда... Оёқлар тагига... Уюм-уюм...

— Оёғингизни секинроқ босинг... У ерда хазон... Умрлар сочилиб ётибди... Сарғайган... Хазонга айланган Умрлар.

Кеча у сиз билан бирга, ёнма-ён яшаганди. Сизнинг қалбингизга илҳомлар ҳайдаган эди. Шеърларни қувлаб келган эди. Сизнинг шеърпараст қалбингизга. Дилингизга қўшиқ ҳадя қилганди. Баҳорий қўшиқ. Тонг яноғидек... Оппоқ... покиза Қўшиқ. Эндигина ниш урган куртакка қараб «баҳор келди!» — дея ҳаяжонланганингизни эсланг. Ана шу кўкимтир куртак қалбингиз куртагини туртиб юбормаганмиди?! Қалбингиз уйғониб кетмаганмиди куртак жимжилоғидан?! Баҳорни куртакка қараб ҳис қилганингиз ёлғонмиди?!

— Оёғингизни секинроқ босинг... У ерда кексайган Баҳор ётибди... Сариқ-сариқ... Уюм-уюм... Хазон-хазон...

Дарахт бағрида япроқ етилиб куртак-куртак бўлганда дошқозонларга сумалак осилганда, эслаб кўринг. Ва ўша оқшом қалбингизда ҳам буюк бир Сумалак пишган эди. Қалбингиз куртак-куртак бўлганди ўша оқшом. Куртак билан бирга-бирга яшилликка айланган эди сизнинг қалбингиз ҳам. Сиз Баҳорга айланган эдингиз. Қалбингизга Баҳор кириб келган эди. — Исм бўлиб... Ям-яшил Исм бўлиб. Куртак бўлиб кириб келган эди Баҳор... Яшил рангда... Ям-яшил...

— Оёғингизни секинроқ босинг... У ерда... Яшиллигингизнинг буюк гувоҳи ётибди. Япроққа айланиб... Сарғайган япроққа. Танасидан узилган... Ҳиссиз... Ҳаяжонсиз...

Куртак шапалоқ-шапалоқ бўлганида сизнинг ҳам Куртагингиз япроққа айланиб бўлган эди. Дарахт шапалоғини нақ қуёш тафтига босар экан, сиз Исм тафтига тутар эдингиз япроғингизни. Япроқ қуёш нурларини симирар экан, сизнинг Япроғингиз муҳаббат қуёшидан тўйиниб улғаяр эди. Шапалоқ-шапалоқ япроқнинг шамолда пилдираши баробар сизнинг Япроқ Қалбингиз бир улуғ туйғу насимидан титраб-титраб яшар... Ва япроқ қуёш тарбиясидан улғайиши ўлароқ, Сизнинг яшил япроғингиз бир Исм қуёшидан улғайиб борар эди, эслаб кўринг. Эсланг... Ва... — **Оёғингизни секинроқ босинг... У ерда... Қуёш тафти ётибди. Қуёшнинг меҳри, меҳнати бор у ерда. Муҳаббат бор. Буюк муҳаббат... Унутилган. Топталган. Оёқлар тагида... Эзғин-эзғин.**



ХАЗОНРЕЗГИ.
Т. МАҲКАМОВ сурат лавҳаси.

Мезон тарозуси япроқ яшиллигини сариқ қаричлари билан ўлчар экан, сизнинг Яшиллигингизга ҳам мезон етди. Куз шамолидан омонат пилдирай бошлаган япроққа ҳамоҳанг пилдирай бошладингиз. — Айрилиқ шамолидан. Видо андуҳидан. — Омонат-омонат пилдирай бошладингиз, эслаб кўринг. Бир кунда сарғайиб кетдингиз ўшанда. Хазонга айландингиз. Дув-дув тўкилдингиз. Яшиллигингиздан ажралиб учиб тушдингиз манови хазонлар ёнига. Яшиллигингиз эса ҳувв Яшил Фаслида қолиб кетди. Куртагингиз, Япроғингиз қолиб кетди ўша ёқларда. Мангу андуҳ бўлиб қолди Яшиллигингиз. Яшиллигингиз буюк соғинчга айланди. Хазон бўлди. Сарғайди. Тўкилди. Оёқлар тагига... Уюм-уюм...

— Оёғингизни секинроқ босинг... У ерда... Яшиллигингиз ётибди. Сариққа айланган Яшиллингиз.

Оёғингизни секинроқ босинг!!! Чунки ерга қориштираётган хазонларингизнинг биринчиси эмас бу. Афсуски охиргиси ҳам эмас. Сиз япроқларни эзғилаб қишга қадам ташлайсиз. Баҳорга сиз япроқ узра етиб борасиз. Хазон босиб бир ёш улғаясиз. Хазонни топтаб ўтиб кетасиз кейинги йилга. Хазон эса қолади. Сиз ўтиб кетган йўлда. Сиз яшаб тугатган йилда мангу хазон бўлиб қолади хазон. Эсланг, сиз қанча Хазонни босиб ўтдингиз?! Қанча Хазон оёқларингиз тагида қолди, қанчаси юракларингиз тагида?! Ва яна қанчаси кутиб ётибди сизнинг пойқадамларингизни. Сиз хазонни босар экансиз, ўтмиш тирилиб келади оёқларингиз тагига. Пойингизда келажак уйғонади — сизнинг қадамингизни кутаётган келажак.

Оёғингизни секинроқ босинг!!! У ерда Тақдир ётибди. Қисмат бор у ерда... Хазонга айланган Қисмат. Абадийликка айланган Тақдир. Сизнинг ўтмишингиз бор у ерда. Ва келажагингиз... Ҳали босилмаган. Дахлсиз. Маҳкум.

Умр шамоли оёғингиз тагига хазонни супураётганига ҳам бир неча кун бўлиб қолди. Япроққа абадийликнинг сариқ муҳрини босиб гоҳ оёғингиз остига, гоҳ юрагингиз пойига ташлаётган эврилиш фасли — кузнинг бир неча кунини босиб ўтдингиз. Босиб ўтяпсиз. Жимгина. Лекин хазон жим эмас. Куз сокин эмас. Изҳор этилмаган муҳаббат каби. Босиб, янчиб ўтилган Туйғулар мисол. Унутилган қувончу севинчлар янглиғ. Ҳув-в, узоқдаги Соғинч... Ҳижрондаги Юрак каби жим эмас хазон. Сокин эмас куз... Рад этилган изҳор... Эълон қилинмаган байрам... Эришилмаган муҳаббат янглиғ сокин эмас Куз. — **Оёғингизни секинроқ босинг... У ерда Сокинлигингиз ётибди... УЙҒОНИБ КЕТАДИ.** Оёғингиз тагига тўшалаётган хазонни секинроқ босинг-бақириб юбориши мумкин. Агар эшитсангиз. Яхшиям эшитмайсиз. Йўқса, ҳувв яшиллигингизни эслаб, хўрсиниб қўярдингиз. Вужудингиз соғинчга айланиб кетар эди ўша Туйғуни қўмсаб. Титраб-титраб кетар эдингиз буюк муҳаббат армонларидан. Йўқотилган умрнинг йўқотилган овозини эшитардингиз. Йўқотилган туйғунгизнинг ижросини топиб олардингиз хазоннинг чирс-чирсларидан. Айриликнинг мунги қулоғингизга урилгандай бўларди. Видони, Андуҳни тинглагандай бўлардингиз. Йиғлагандай... — **Оёғингизни секинроқ босинг... У ерда хазон... Умрлар ётибди... Туйғулар бор у ерда.. Муҳаббат бор... Қисмат тўкилган... Тақдир...**

— Оёғингизни секинроқ босинг! Хазон ётибди оёғингиз тагида... Хазон!!!

Акбар ЖОНУЗОҚОВ

ХОТИНЛАР МАКРИНИ ЎРГАНУВЧИ КИШИ

Ривоят қилишларича, бир киши доим хотинлар макрини ўрганиш билан овора эди. Рашкининг зўрлигидан хотинларга ишонмас ва ҳеч қайси хотинни ўзига яқинлаштирмас эди. У хотинлар макри ёзилган китобни ўқигани ўқиган эди. Кунлардан бир кун у киши сафарга чиқди. Йўлда бир қабила манзилига етиб, у ерда тунамоқчи бўлди. Мусофир кирган жойнинг хўжайини уйда йўқ эди. Аммо унинг хотини уйда эди. Мезбон хотин ғоятда нафосатли ва ниҳоятда одамшинаванда эди. Хотин меҳмонга хушфеъллик билан илтифот кўрсатди. Меҳмон кавушини ечиб, ҳассасини деворга суяб, юқорига чиқиб ўтирди ва ёнидан китобини олиб, ўқишга машғул бўлди.

Хотин меҳмондан сўради:

— Эй хожа, бу ўқиётган китобинг қандай китоб?

— Бу китобда хотинлар макридан ҳикоя қилинган.

— Дарё сувини ғалвир билан ўлчаб бўлмайди ҳамда ер юзида туриб, сув остидаги қумнинг ҳисобини олиб бўлмайди. Бинобарин, хотинлар макри ҳам ранг-баранг, беҳисобдир, — деди-да, ғамза ўқини камон қошига қўйиб, меҳмон қалбини нишонга олди. Хотин ёқимли гаплар айтар, нозу карашмалар билан ишқий ҳатти-ҳаракатлар қилиб меҳмон кўнглини овлашга киришди. Ниҳоят, меҳмоннинг кўнглини ўзига ром қилди. Меҳмон хотиннинг чиройига, ширин каломига ва шўхчан ҳаракатларига маҳлиё бўлиб, ҳамма нарсани унутди. Хотин ҳамон илтифот билан ширин гуфторликда давом этарди. Меҳмон чидаб туролмай ва ўрнидан туриб ишқибозлик қила бошлади. Хотин ўзини олиб қочар ва меҳмон уни тутиб қучоғига тортарди. Ишқибозлик айни авжига чиққанда, эшик тақиллади.

— Эрим келди, — деди хотин, — эрим эмас, бало келди. Ҳозир иккаламизни ҳам ўлдиради.

— Нима қилмоқ керак? — деди меҳмон.

-Ў ўрнингдан тур, — деди хотин, — ҳу анави сандиқ ичига кир.

Меҳмон сандиққа тушди. Хотин сандиқни ёпиб, қулфлади. Шундан сўнг эшикни очиб, эрини илтифот билан қарши олди. Дилларни ром этадиган сўзлар билан эрини жаҳлдан туширди. Эри бироз ўзига келгач, хотин сўз бошлади:

— Мен бошимдан кечирган бугунги воқеани сенга ҳикоя қилмоқчиман.

— Айт, — деди эри.

Хотин сўз бошлади: «Бугун бизга бир меҳмон келди. Ўзи бағоят чиройли, хушсўз, хушхулқ ва ажойиб табиатли йигит экан. Қўлида хотинлар макри ҳақида ёзилган китоби ҳам бор. Қачон қарасанг ушбу китобни ўқигани ўқиган. Аммо хотинлар макрини назар-писанд қилмайдилар. Йигитни бу аҳволда кўрганимдан сўнг, уни ўйнатмоққа жазм қилдим. Ҳар хил ноз-карашмалар билан кўнглига йўл топдим. Ҳушёр ва оқил қуш эмас экан, зеро, дон остидаги тузоқни кўрмади. Менинг чиройимга маҳлиё бўлиб, ишқибозлик бисотини олдимга ёзди. Иш шу даражага етдики, илтифот билан айтилган иборалар амалий бўсалар ва қучишлар билан алмашинди. Бироқ ҳали лаззат онлари етиб келмасданоқ, сен кириб келдинг ва айш-ишратимизни буздинг.

Хотин сўзлаган сари эрининг қони қайнаб, ғазаби ортар, бечора меҳмон эса сандиқ ичида ўзини-ўзи чимдилар ва ҳар дақиқада жонидан умидини узарди. Шу пайт ғазабланган эр хотинидан сўради:

— Хўш, ўша йигит қаерда?

— Уни анави сандиққа солиб, қулфлаб қўйганман. Мана, калитини олиб, сандиқни очсанг, кўрасан.

Эр-хотин бир-бирларининг қўлидан бирор нарса олмасликка гаров ўйнаган эдилар. Агар эсдан чиқиб бири иккинчисининг қўлидан нарса олса, албатта нарса олган гаровда ютқазган ҳисобланарди. Гаров ўйнашганига анча вақт бўлган, аммо ҳанузгача бир-бирларининг қўлларидан нарса олмасдилар. Бироқ эр ниҳоятда ғазаблангани туфайли, гаров ўйнагани эсидан чиққан эди. У калитни олиб, сандиқ томон юрди. Шу вақт хотин эрига қараб: «Гаровни ютқазганинг муборак бўлсин», деди. Эри бу сўзни эшитиб, калитни ерга ташлади ва: «Сенга лаънатлар бўлсинки, гаровни ютиш учун мени оловга ўтқазиб, қўйиб, ажойиб тилсим ишлатиб гаровни ютдинг», деди.

Хотин яна яхши сўзлар билан эрини юпатиб, дилдорликлар билан кўнглини хушнуд қилди. Бир оздан сўнг, эри яна кўчага чиқиб кетди. У сандиқни очиб сўради:

— Эй хожа, бундай макр-ҳийлани бирор китобда кўрганмидинг?

— Тавба қилдим, бундан буён ҳаргиз хотинлар макрини ўрганмайман, қўлимдаги бу китобни ҳам куйдираман, зеро хотинларнинг макр-ҳийласи китобда ёзилганидан кўра кўпроқ экан.

Турғун ФАЙЗИЕВ
таржимаси.

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир:
Иброҳим
ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0434.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 22.00

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Толмас ҚОРАЕВ